Тошкент оқшоми

Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 185 (8. 383) ◆ 1993 йил 18 октябрь, душанба ◆ Сотувда эркин нархда

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

15 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Буюк Британиянинг ташқи ишлар ва ҳамдўстлик ишлари бўйича Давлат вазири Даглас Хоггни қабул қилди.

Республика раҳбари Ўзбекистоннинг ташқи сиёсат соҳасида амалга ошираётган ишлари ҳақида сўзлар экан, Ўзбекистон ва Буюк Британия ўртасидаги алоқалар ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди. Ўзаро муносабатларни янада юксак поғонага кўтариш имконияти мавжудлигини алоҳида таъкидлади.

— Бизни кўпроқ Буюк Британия билан банк, телекоммуникация, фан, таълим, солиқ соҳаларида ўрнатиладиган ҳамкорлик муносабатлари қизиқтиради, — деди Президент.— Бутун имзоланган ҳужжатлар икки халқ манфаатларига хизмат қилади ва дўстона алоқаларимизни мустаҳкамлайди. Ўзбекистоннинг ер ости ва устки бойликлари ҳамкорлик муносабатларимизга асос бўлади. Янги топилган нефть конлари, қазилма бойликларимиз, пахта, мева-сабзавот маҳсулотларимиз кўплаб хорижий давлатларни қизиқтирмоқда. Мен бу давлатлар қаторида Буюк Британия компанияларини, концерн ва фирмаларини кўришни хоҳлардим.

Жаноб Даглас Хогг қизиқарли суҳбат учун миннатдорлик билдирар экан, Президент билан ҳамфикр эканлигини, таклиф ва истакларини қўллаб-қувватлашини билдирди. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришганидан кейинги мавқеи, жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни, жуда қисқа муддатда топган обрў-эътибори бизни ҳамкорликка чорламоқда. Менинг бу ерга ташрифим бунинг исботидир, деди у.

Қабул маросимида Ўзбекистон Бош вазирининг ўринбосари Ў. Султонов, Президентнинг давлат маслаҳатчиси А. Азизхўжаев, ташқи ишлар вазири С. Саидқосимов иштирок этди.

(ЎзА).

РАСМИЙ ТАШРИФ МУНОСАБАТИ БИЛАН

ЭРОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ АКБАР ҲОШИМИЙ РАФСАНЖОНИЙ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИНИНГ ТАРЖИМАИ ҲОЛИ

Ҳужжат Ул-Ислом Вал Муслимин Акбар Ҳошимий Рафсанжоний 1934 йилда Рафсанжон шаҳрида таваллуд топиб, беш ёшидан таҳсил ола бошлади. Ўн тўрт ёшида диний илмлар бўйича сабоқ олиш учун Қум шаҳрига келади.

1967 йили шоҳ тузуми даврида ўз сафдошлари билан биргаликда «Мактаби Ташаййу» («Шиалик мактаби») нашр органини таъсис этади.

Имом Ҳумайний бошчилигида собиқ шоҳ тузуми истибдодига қарши курашганн учун бир неча бор қамоққа ташланди.

1979 йилда, Ислом инқилоби ғалабасидан сўнг қамоқдан озод этилиб, янги ташкил топган инқилобий кенгашга аъзо этиб тайинланади ва мамлакат ишларини идора қилишда фаол қатнашади.

1980 йилда инқилоб раҳбарларининг баъзилари билан биргаликда Эрон Ислом Жумҳурияти партиясини таъсис этади ва айни вақтда Ички ишлар вазирлигига бошчиликни ўз зиммасига олади. Шу йилнинг ўзида «Ислом маслаҳат кенгаши»га бўлиб ўтган сайловда Теҳрондан халқ ноиблигига, кейинроқ эса янги тузилган парламентга раис этиб сайланади.

1981 йили марҳум Имом Хумайнийнинг «Олий мудофаа кенгаши»даги вакили этиб тайинланади ва кейинчалик шу кенгашнинг раиси қилиб сайланади.

1983 йили янги Конституцияни ишлаб чиқиш бўйинча экспертлар мажлисига Теҳрон аҳолисининг вакили, сўнгра мазкур мажлис раисининг биринчи ноиби этиб сайланади.

1984 йили иккинчи марта парламент раиси этиб сайланади ва марҳум Имом Хумайний фармонига кўра «Маданий инқилоб Олий Кенгаши»га аъзо бўлиб киради.

1988 йили ҳарбий кучлар бош қўмондонининг ўринбосари ва қуролли кучларнинг бевосита раҳбари лавозимига тайинланади.

1989 йилнинг 28 июль куни Эрон Ислом Республикасининг Президенти этиб сайланади.

1993 йил июнь ойида президентлик сайловларида ғолиб чиқиб, иккинчи бор президентликка сайланди.

Ҳужжат Ул-Ислом Вал Муслимин Акбар Ҳошимий Рафсанжоний диний, тарихий ва ижтимоий соҳаларда ёзилган кўпгина китоблар муаллифидир.

Оилали, 3 ўғил ва 2 қизи бор.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг матбуот хизмати

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ЖАНОБ ИСЛОМ АБДУҒАНИЕВИЧ КАРИМОВ ЗОТИ ОЛИЙЛАРИ ҲАМДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚИГА

Энг аввало, мамлакатингиздаги тинч-тотувлик муносабати билан самимий қутлуғ ларимни изҳор этишга рухсат бергайсиз.

Сизга яхши маълумки, Ўзбекистон халқи билан Фукусима префектурасининг аҳолиси ўн йил мобайнида ўзаро фойдали ҳамкорлик қилиб келмоқдалар. Бу, айниқса, ҳозирги халқаро ҳамкорлик кучайган даврда ғоят қадрлидир.

Шу йилнинг июль ойида Фукусима префектурасида — Ўзбекистон Республикаси маданий-иқтисодий алоқалар уюшмаси тузилган бўлиб, унинг мақсади дўстлик ришталарини ва турли тармоқларда иқтисодий алоқаларни ҳар тарафлама ривожлантиришдан иборатдир.

Сизларнинг республикангизга шу уюшма раиси жаноб Цукаса Итоо бошчилигидаги делегациямиз сафар қилаётганидан мен ғоят мамнунман. Делегациямизнинг серқуёш республикангизга ташрифи муносабатларимизни ривожлантиришга, халқларимиз ўртасидаги келажакдаги алоқаларни кучайтириш тўғрисида фикрлар алмашинувига ҳар тарафлама кўмак беради.

Алоқаларимиз ўзаро ҳайрихоҳлик ва ишонч замирида янада чуқурлашишини ҳамда муносабатларимиз ривожига ҳисса бўлиб қўшилажагини чин юракдан истайман.

Пировардида мен Сиз, зоти олийларига ва Ўзбекистон халқига бахт-саодат, сиҳат-саломатлик ҳамда мамлакатингиз янада гуллаб-яшнашини тилайман.

Эҳтиром ила,

Фукусима префектурасининг губернатори Эйсаку САТОО.

1993 йил 12 октябрь.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА!

Муҳтарам юртбошимиз Ислом Абдуғаниевич!

Ўзбекистон Мустақиллигининг буюк меъмори бўлган Сиз, азиз Президентимизнинг ҳозирги бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш юзасидан қабул этган Фармонларингиз биринчи навбатда биз, қарияларга қаратилаётганлигидан бошимиз осмонга етмоқда. Сизнинг биз, кексаларга кўрсатаётган катта ғамхўрлигингиздан беҳад миннатдормиз. Халқаро қариялар куни муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг кекса фуқароларига йўллаган табрикномангизнинг ҳар бир сатри қалбларимизни ғоят тўлқинлантириб юборди. Унда шаънимизга билдирган доно сўзларингиз, меҳр билан йўғрилган истакларингизга жавобан биз, кексалар мустақил Ватанимиз равнақи йўлида баҳоли қудрат тер тўкамиз. Ўзбекистонимизнинг янада гуллаб-яшнаши учун куч-қувватимизни асло аямаймиз. Чунки бундай саъй-ҳаракатларда Сизнинг ўзингиз ҳаммамизга ажойиб намуна кўрсатяпсиз.

Муҳтарам Президентимиз!

Сизнинг тинимсиз саъй-ҳаракатларингиз туфайли жонажон Ўзбекистонимизни дунё таниб, унинг халқаро обрўси тобора ошиб бормоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг юксак минбаридан туриб сўзлаган маърузангизни эшитганимизда қалбларимиз олам-олам ифтихор ва ғурур ҳисларига тўлиб-тошди.

Биз, кексаларнинг Тангри таолодан тилагимиз шу: илоҳим, ҳаммамизнинг бахтимизга Аллоҳ Сизни омон сақласин, олтин бошингиз доим омон бўлсин.

Тошкент шаҳри кексалари номидан:

А. ЭШОНҚУЛОВ,
Т. СОДИҚОВ,
С. АБДУЛЛАЕВ,
С. КОРОТКОВ,
Ф. САЙФУЛЛИНА.

Мавжуда Тўлаганова ўн уч йилдан бери «Юлдуз» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнат қилади. У оддий тикувчиликдан моҳир цех устасига айланди. Мавжуда Тўлаганова ўзининг самарали меҳнати билан ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқда.

Ҳолмат Мирзакаримов сурати.

Бугунги кун нафаси

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

● Фарғона вилояти фаолларининг йиғилишида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар муҳокама этилди.

● Ўзбекистон билан Буюк Британия ўртасида икки ёқлама солиқ олмаслик, маданият, фан ва таълим соҳаларидаги ҳамкорлик, ўзаро англашмалар ҳақида битимлар имзоланди.

● Қизилқум сахросининг Шода участкасида 2650 метр чуқурликда янги газ кони топилди.

● Қорақалпоғистон шоликорлари қабул пунктларига 215 минг тонна, давлат буюртмасида белгиланганидан 40 минг тонна кўп шоли етказиб бердилар.

● Мамлакатимизга келган Америка Қўшма Штатларининг 18 та йирик геология ва кончилик компаниялари вакиллари Ўзбекистон иқтисодиётига сармоялар қўйиш имкониятларини ўрганмоқдалар. Улар қатор вазирлик ва идораларда бу ҳақда музокаралар олиб бордилар, ҳозир эса республиканинг бир қанча йирик корхоналари ва конлари билан танишмоқдалар.

● Республика фахрийлар ташкилотлари кенгашида Буюк Ғалабанинг 50 йиллиги шарафига «Хотира китоби»ни нашр этиш юзасидан ишчи гуруҳининг мажлиси бўлиб ўтди.

ҲАМДЎСТЛИКДА

● Бугун эрталаб соат бешдан бошлаб Москвада фавқулоддда ҳолат бекор қилинди. Лекин жамоат тартибини қўриқлашнинг кучайтирилган тартиби сақлаб қолинди.

● Россия Президенти Борис Ельцин 12 декабрь куни сайловлар билан бир пайтда мамлакат янги Конституцияси лойиҳаси тўғрисида референдум ўтказиш ҳақида фармон чиқарди.

● Бугун Арманистон Президенти Левон Тер-Петросян амалий ташриф билан Москвага келди. Унинг Россия раҳбарияти билан учрашувлари бўлиб ўтади.

● Беларусда А-76 бензини бир литрининг нархи 460 рубль, АИ-93 эса 500 рубль бўлди.

● Москвада ҳозирги пайтда икки хонали квартира баҳоси 25—32 миллион рубль, уч хонали квартира эса 40—60 миллион рублга етди.

● Туркманистон давлат банки миллий валюта жорий этилиши билан балоғат ёшига етган фуқароларга 30 минг рубль алмаштириб берилишини маълум қилди. Бу республикада миллий валюта — манат шу йил 1 ноябрдан муомалага киритилиши керак.

● Туркманистон парламенти Президент Сапармурод Ниёзовга расмий Сапармурод Туркманбоши номини бериш тўғрисида қарор қабул қилди. Президент туғилган 19 февраль куни умумхалқ байрами ва дам олиш куни, деб эълон қилинди.

ХОРИЖДА

● Бугун Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев тўрт кунлик расмий ташриф билан Пекинга келди. У Хитой раҳбарияти билан икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан музокаралар ўтказади.

● Кеча Эстонияда маҳаллий ҳокимият идораларига сайловлар бўлиб ўтди. Аввалги сайловлардан фарқли ўлароқ бу гал унда мамлакатнинг русзабон аҳолиси ҳам иштирок этди.

● Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Гаитида демократияни тиклаш учун бу мамлакатга нисбатан иқтисодий жазо чораларини қўллаш тўғрисида қарор қабул қилди.

● Тинчлик бўйича 1993 йилги Нобель мукофоти Жанубий Африка Республикасининг Президенти Фредерик Вильям де Клерк ва Африка миллий конгрессининг етакчиси Нельсон Ролихлахла Манделага бу мамлакатда иркчи режимни бартараф этиш ишига қўшган ҳиссалари учун берилди.

● Саудия Арабистонида бу мамлакатга гиёҳванд олиб келишда айбланган покистонлик қатл этилди. Бу мамлакатда шу йил бошидан бери шариат қонунларини бузганлардан 75 киши ана шундай олий жазога ҳукм этилди.

● Шахмат бўйича жаҳон биринчиликларида навбатдаги учрашувларда дуранг натижалар қайд этилди. Шундай қилиб, Гарри Каспаров билан Найжел Шорт ўртасидаги учрашувда ҳисоб 11,5:6,5 бўлди. Анатолий Карпов эса ҳозирча Ян Тимманни 7,5:5,5 ҳисобида мағлубиятга учратмоқда.

Мангу тасмаларга айланган

МАШҲУР бастакор Тўхтасин Жалилов номи билан аталиб келинаётган Давлат халқ чолғу асбоблари оркестри республикамиздаги таниқли санъат аҳлларидан бири сифатида жўшқин ижодий фаолият кўрсатиб келмоқда. Моҳир созандаларни ўз атрофига бирлаштирган бу ижодий жамоа томонидан тайёрланаётган ҳар бир концерт дастури мусиқа шинавандаларида яхши таассурот қолдирмоқда.

Шу жараёнлар мобайнида мусиқа санъати учун ноёб ҳисобланган бир қанча мумтоз асарлар ижро этилди. Ана шу севимли куйларни мангу тасмаларда жонлантириш мақсадида фонд ёзуви намуналарини тайёрлаш кўзда тутилди.

Бугунги кунда камёб мусиқали ёзувларга айланган ушбу ижролар орасида Ўзбекистон бастакорларининг оркестрга мослаб ёзган энг яхши ижод намуналари ҳам бор. Кўзга кўринган санъаткор Т. Жалилов яратган мусиқалар ҳам оркестр жўрлигида завқли янграйди.

Бундай ноёб мусиқали асарлар Ўзбекистон телевидениеси ва радиосига фонд ёзувлари сифатида тақдим этилади.

Азиз АҲАДОВ.

** Тошкент шаҳар Ҳокими маҳкамасида*

ЛОТИН ҲАРФИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИ

МАЪЛУМКИ, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн учинчи сессиясида Ўзбекистон Республикасининг «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди. Бу Қонун Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосланиб ва ўзбек ёзувининг лотин алифбосига ўтилган 1929—1940 йиллардаги ижобий тажрибасидан келиб чиқиб, кенг жамоатчилик вакиллари билдирган истак-хоҳишларни инобатга олган ҳолда республиканинг ҳар тарафлама камол топишини ва жаҳон коммуникация тизимига киришини жадаллаштирувчи қулай шароит яратишга хизмат қилади. Ана шу боисдан ҳам ҳозир жойларда ушбу Қонунни амалга киритиш борасида дастлабки қадамлар қўйилмоқда. Бинобарин Тошкент шаҳар Ҳокими Атҳамбек Фозибековнинг қарорига кўра Тошкент шаҳрида лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш бўйича комиссия тузилди. Ўтган жума куни ана шу комиссиянинг дастлабки мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисни комиссия раиси, Тошкент шаҳар Ҳокимининг ўринбосари Шуҳрат Жалилов олиб борди.

Мажлисда яқин икки ой ичида ушбу Қонун бўйича зудлик билан бажарилиши лозим бўлган вазифалар хусусида сўз борди. Сўзга чиққан нотиқларнинг ҳаммаси Ўзбекистон Республикаси Қонунининг аҳамияти ҳақида тўхталиб, энди асосий вазифа уни амалга киритишнинг аниқ режаларини ишлаб чиқиш ва ана шу режалар асосида жойларда кенг кўламдаги юмушларни бажариш лозимлигини уқтириб ўтдилар.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари, Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармасининг бошлиғи Ҳамидулла Йўлдошев, Тошкент шаҳар фахрийлар кенгашининг раиси Толиб Содиқов, Тошкент шаҳар хотин-қизлар комитетининг раиси Муборак Юнусхўжаева, филология фанлари доктори, профессор Эрнест Бегматов ва бошқалар ўз сўзларида ушбу Қонунни амалга киритиш учун турли йўналишлар бўйича аниқ режаларни амалга ошириш, ташкилий масалаларни туманма-туман, маҳаллама-маҳалла бўйича амалга ошириш юзасидан тавсиялар ва ҳисоб-китоблар бўлиши кераклигини таъкидладилар. Улар лотин ҳарфига асосланган ўзбек алифбосига ўтишнинг аҳамияти катталигини таъкидлаб, бунинг учун кенг кўламда тушунтириш ишлари олиб борилиши, дастурлар туганда лотин ҳарфига асосланган ўзбек алифбосини жорий этишни пухта ўйлаб кўриш зарурлиги, бу ишни бошидан охиригача аниқ режа асосида амалга ошириш лозимлигини уқтирдилар. Шаҳримиздаги ҳар бир туман бу борадаги ўз режасини тузгач кейин ҳамма учун намунавий режа асосида иш кўриш мақсадга мувофиқ эканлиги таъкидланди. Шунингдек, жойларда ишчи гуруҳларини тузиш, ҳамма юмушларни ушбу Қонун талаблари асосида олиб бориш муҳимлиги зарурлиги айтиб ўтилди.

Мажлис якунида комиссия раиси, Тошкент шаҳар Ҳокимининг ўринбосари Шуҳрат Жалилов лотин ҳарфига асосланган ўзбек алифбосини жорий этиш бўйича Тошкент шаҳар давлат комиссиясининг мажлислари мунтазам ва уюшқоқлик билан ўтказиб борилишини таъкидлади.

** Обуна—94*

ДИЛКАШ ҲАМРОҲИМ

ДЕЯРЛИК уй бекасиман. Чунки фарзандларим ёш бўлгани учун бадиий буюмлар фабрикасидан иш олиб, уйимда чойшаб, ёстиқ жилди тикардим. Кичик фарзандим мактабга чиқди. Ҳозир эса ишлаётганим йўқ. Асосан уй-рўзғор ишлари билан бандман. Бўш пайтларимда «Оқшом» менинг энг яқин ҳамроҳимдир. Ундаги қизиқарли мақолалар, дам олиш саҳифасидаги бадиий асарлар, «Маърифий суҳбатлар» рукни остида бериладиган мақолаларни ҳам мен қизиқиб ўқийман.

Яқинда газетада «Сандиқчи келинойи», «Бегонанинг боласини сева оласизми?» сарлавҳали мақолаларни ўқиб жуда таъсирландим. Айниқса, «Сандиқчи келинойи»нинг меҳнаткашлигига жуда қойил қолдим. Мухбир қиз жуда топиб ёзибди. Бундай ишбилармон аёллар шаҳримизда тўлиб ётибди. Келгусида «Оқшом»да шу тонфадаги оддий ҳунарманд аёллар ҳақида кўпроқ ёзилади деган истагим бор.

Бозор иқтисоди. Ҳамма нарсанинг нархи осмонда. Бу албатта газетага ҳам таъсир қилмасдан қолмайди. Обуна нархи ошиб кетган бўлса ҳам ярим йилга обуна бўлдим. Чунки «Оқшом» бўш вақтларимда доимий ҳамроҳим. Бундан кейин ҳам у менинг яқин ҳамроҳим бўлиб қолади.

Малика ҲАЙДАРОВА,
уй бекаси.

** Халқаро фестиваль олдидан*

САРА АСАРЛАР НАМОЙИШ ЭТИЛАДИ

ЎЗБЕКИСТОН театр арбоблари уюшмасида Тошкентда шу йилнинг 23—31 октябрь кунлари бўлиб ўтадиган «Театр: Шарқ-Ғарб» Халқаро фестивали олдидан биринчи матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Илк бор ўтказилаётган бу халқаро фестивалда кафқат Марказий Осиё давлатлари, балки Россия, Озарбайжон, Беларусь ҳамда Германия, Туркия, Англия, Гонг-Конг, Франция, Финляндия, Югославия, Италия, Швеция, Руминия ва бошқа кўпгина хорижий давлатларнинг энг кўзга кўринган санъат жамоалари ўзларининг энг сара асарларини олиб келишади.

Матбуот конференциясида Ўзбекистон театр арбоблари уюшмасининг ва фестивали ўтказиш дирекцияси раиси Б. Қориева, фестивалнинг бадиий раҳбари М. Вайль тайёргарлик жараёни ҳақида ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирди. Фестивалда республикамиздаги кўпгина театрлар ҳам иштирок этиши кўзда тутилган. Дастурда кўрсатилишича Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театри В. Шекспирнинг «Кориолан», А. Ҳидоятов номидаги Ўзбек Давлат Ёшлар драма театри А. Навоий достони асосида Ш. Ризаев асари «Искандар», М. Тошмуҳамедов номидаги Қашқадарё вилоят мусиқий драма театри Т. Мирзоянинг «Амир Темур», «Илҳом» театри К. Гоцининг «Бахтиёр гадолар» каби ўнлаб спектакларини намойиш этади.

«Шарқ-Ғарб» халқаро фестивалига кетадиган сарф-харажатлар ҳақида фестивални ўтказиш комитетининг тижорат директори Бахтиёр Ёқубов қисқача тўхталди. Республикамиздаги 25 дан ортиқ ташкилот ва корхоналар бўлажак халқаро фестивални қўллаб-қувватлаб фестивалнинг ҳисоб рақамига маблағлар ўтказиб беришди. Шу ўринда яна бир бор фестивалнинг ҳисоб рақамини эслатиб ўтамиз. Тошкент шаҳар, меҳнат саноат-қурилиш банки. Ҳисоб рақами 000601729, хос рақам 172627315. Ўйлаймизки, олийҳиммат кишиларимиз, театрни севувчи, санъатни ардоқловчи раҳбарларимиз кўплаб топилади.

Йиғилиш сўнггида Б. Қориева, М. Вайль, Б. Ёқубовлар йиғилганларни қизиқтирган саволларига жавоб қайтаришди.

Эҳсон ХОДИЕВ.

ҒОЛИБ ЎҚУВЧИЛАР

Пойтахтимизнинг Миробод тумани мактабларида иқтидорли толиби илмларни кўплаб учратиш мумкин. Билимларни пухта ўзлаштириб келаётган бу қобилиятли ўқувчи-ёшлар фан олимпиадаларида фаол қатнашиб жонажон мактаблари шарафини улуғлаб, ўз билим ва иқтидорларини ёрқин намоён этишмоқда.

Республика олимпиадасида туман мактабларидан бир қанча толиби илмлар юқори кўрсаткичга эришдилар. Билимлар синовининг бир йўла иккита совринли ўрнини шу туманга насиб этди.

Электрон ҳисоблаш машиналари бўйича ўтказилган халқаро олимпиадага ҳам иқтидорли ёшлар қизғин ҳозирлик кўрдилар. Энг иқтидорли бир ўқувчи шу нуфузли танловда ғолиб деб топилди. Шунингдек, Москвада ўтказилган ёш физикларнинг халқаро беллашувида ҳам омад кулиб боқди. Туман мактаблари ўқувчиларидан беш нафари халқаро олимпиаданинг дипломанти деган фахрли мукофотни қўлга киритди.

Меҳрибон устозлар қўлида таҳсил кўриб, фанларни ҳар томонлама чуқур ўзлаштириб келаётган ўқувчиларга пухта билим бераётган педагогик жамоалар халқ таълими ходимлари куни муносабати билан туман халқ таълими бўлими томонидан муносиб тақдирландилар.

Алишер АЗИМОВ.

ЎЗАРО КЕЛИШУВГА КЎРА

БУГУНГИ кунда автомат телефон станцияларини электрон техника қурилмалари ёрдамида бошқариш шу соҳа тизими олдида турган асосий вазифалардан бири бўлиб қолди. Шаҳар телефон тармоғини ривожлантириш ва замонавий техника билан қуроллантириш мақсадида электрон АТСлар аппаратлари кенг тадбиқ қилинади.

Бундай мураккаб қурилмаларни хориждан ҳам олиб келиш кўзда тутилди. Германиядаги «Алкатель» фирмаси ҳам бу борада амалий ёрдам кўрсатишни ўз зиммасига олди.

Бу нуфузли фирмада тайёрланаётган «Систем—12» типидаги электрон АТСлар жиҳозлари ҳам шаҳар телефон тармоғини ривожлантиришда қўл келади. Шу сабабли бу хил қурилмалардан бир қанчаси шу йилиёқ Тошкентга олиб келинадиган бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги билан «Алкатель» фирмаси ўртасида яқинда тузилган шартнома бундай қулайликни туғдириш имконини берди. Дастур аҳамиятига молик бўлган бу ҳужжат 1993—1994 йиллар учун мўлжалланди. Ўзаро келишувга биноан Германиядан кўплаб жиҳозлар олиб келинади.

Воҳид ВАЛИЕВ.

ҚАДРЛИ МУШТАРИЙЛАР!

МАНА Сиз юқорида оддий уй бекаси Малика Ҳайдарованинг «Оқшом» газетаси хусусидаги фикрларидан огоҳ бўлдингиз. Кўплаб муштарийларимиз қаторида Малика опа ҳам ҳозирги бозор иқтисодиёти қийинчиликларига қарамай, ўзлари севган «Оқшом» газетасига обуна бўлибдилар. Бинобарин, шу кунларда «Тошкент оқшоми»га обуна бўлган киши учун 1994 йилнинг 1 январидан бошлаб «Оқшом» унинг энг яқин ҳамроҳи ва маслаҳатгўйи бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам вақтни бой бермай газетага обуна бўлишни унутманг.

«Тошкент оқшоми»нинг бир йиллик обуна баҳоси 22 минг 620 сўм, ярим йилга 11 минг 310 сўм. Газета индекси 64690. «Тошкент оқшоми» газетаси — Сизнинг газетангиз. Буни ёддан чиқарманг!

• «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси—муҳокамада

БУЮК КЕЛАЖАК САРИ

ЖАМИЯТНИНГ янгиланиши, унинг иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий бўғинларининг демократлашиши мустақиллик жараёни вужудга келтирган ҳақиқий халқ ҳокимияти асосларининг ривожланишини ифодалайди. Шуни айтиб ўтиш керакки, сиёсий ўзгаришларсиз на ижтимоий ва на иқтисодий соҳадаги ислоҳотларни амалга ошириш мумкин эмас. Тарихнинг кескин бурилишларида йўлбошчи ва раҳбарлар барча мамлакатларда ишни бевосита сиёсий ўзгаришлардан бошлаганлари бежиз эмас.

Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига қараб бориши жараёнида фақат жамиятнинг янгиланиши, шиддаткор қарорларнинг амал қилиши, халқнинг ижтимоий жараёнларда фаол иштирок этиши, тўпланиб қолган қарама-қаршиликларнинг ҳал қилиниши тараққиёт ижтимоий моделининг янги босқичларига кўтарилишига ёрдам беради.

Бу борада «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси мамлакатимизнинг демократик давлатлар ҳамкорлиги томон боришда муҳим аҳамият касб этади. Қонун лойиҳасининг асосий бандлари умуминсоний мезон, қадриятлар, тасаввурлар, шу ҳудуд халқларининг ўзига хос турмуш тарзи ва миллий хусусиятларини уйғунлаштиришга ҳаракат қилиши жамиятдаги барқарорликни ва миллий келишувни таъминлайди. Эълон қилинган лойиҳада ҳокимият тизими тамойилларининг фаолиятини амалга ошириш механизмини вужудга келтиришга интилиш бор. Масалан, Олий Мажлис депутатлари сайловида эркин ва яширин овоз бериш, сайловчиларга зўрлик, қўрқитиш, алдаш билан таъсир кўрсатишдаги Қонунда белгиланган масъулият, депутатларга бир пайтнинг ўзида ҳокимиятнинг иккидан ортиқ органларига ишлашни ман қилиш, фақат икки муддатга сайланишга руҳсат бериш ва бошқалар шулар жумласидандир. Бундан ташқари жамиятимиз ҳаётий фаолиятини узоқ даврларгача белгилаб берувчи онгли муносабат ҳокимият таркибларини шакллантиришда объектив реаллик ва шароитни ҳар томонлама эътиборга олган. Шу нуқтаи назардан республикамиз фуқароларининг ижтимоий ва иқтисодий аҳволи, ирқи, миллати, тили, маълумоти ва бошқалардан келиб чиққан ҳолда сайлов ҳуқуқларини турли йўллар билан чеклашни ман қилиш норозиликларнинг олдини олибгина қолмайди, айни пайтда Шарқ ва Ғарбнинг ривожланган демократик давлатларининг яшаш қонун-қоидалари системасига мос келади. Бу эса Ўзбекистон каби кўп миллатли мамлакатнинг ижтимоий муваффақиятини таъминлайди. Лойиҳада жамиятнинг ўз-ўзини бошқаришни рағбатлантириш зарурлигига, ҳокимиятнинг Олий ва ижроия органлари, фуқаролар, ижтимоий гуруҳ ва меҳнат жамоалари ташаббусини ривожлантириш учун шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилган. Бу эса барча синф, ижтимоий гуруҳларнинг интилиш ва манфаатларини аниқлаш, шакллантиришни, уларнинг давлат ички ва ташқи сиёсатида фаол иштирок этишини таъминлашни талаб қилади.

Демократия — ҳеч қачон тартиб, интизом ва масъулиятга қарама-қарши турмайди. Кейинги йиллардаги воқеалар демократияни назоратсизлик, истаган нарсасини қилиш сифатида тушунишнинг асоссизлигини, бунинг иқтисод, сиёсат ва маънавиятга нақадар зарба беришини кўрсатди ва исботлади.

Демократия — юқори савиядаги тартиб бўлиб, у кўр-кўрона бўйсунишни эмас, жамият аъзоларининг тенг ҳуқуқли, масъуллигини тақозо қилади. Бу меҳнат кишиларининг онгли тартиб-интизоми, жамиятнинг ўз-ўзини назорат қилиши, фуқароларнинг ижтимоий бурчлари, ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўғри англаб етишидир. Бу борада Қонун лойиҳаси фуқароларнинг Олий Мажлисга сайланишига имкон берадики, бу нарса халқ сайлаган депутатларнинг масъуллигини, раҳбар ходимларнинг нотўғри фаолиятига нисбатан кескин чоралар кўрилиши, акс ҳолда жиноий жавобгарликка тортилишини назарда тутади.

Шуниси диққатга сазоворки, Қонун лойиҳасининг баъзи бир бандлари бугунги ижтимоий-сиёсий воқеаларнинг бир қатор мураккаб масалаларига жавоб беради ва яқин келажак стратегиясини белгилаб беради.

Фуқароларнинг Қонун лойиҳасида белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларнинг кенгайиши, масъулликнинг, онглиликнинг ўсиши, сиёсий, маданият ва юқори савиядаги инсонпарвар демократиянинг ўсиши билан боғлиқ.

Шунингдек, сайловлар ҳақида Қонун лойиҳасига биноан Олий Мажлиснинг бўлажак таркибига 150 нафар депутат киритиш назарда тутилади. Гап бу ерда халқ номзодларига қўйиладиган талабларнинг тубдан ўзгариши ҳақида боради. Бу эса сайловчилар, ҳамкасабалар, қонун чиқарувчи ва ижро этувчи органларнинг маълум мезон ва нормалар билан муносабатини тақозо этади. Албатта, депутатлар орасида таниқли кишилар, чунончи — врачлар, олимлар, машҳур спортчилар, колхозчиларнинг бўлиши ғоявий жиҳатдан мақсадга мувофиқдир. Лекин, шуниси аниқки, ҳар қандай ишда профессионал маҳорат зарур. Айниқса, инсонлар, миллат ва элатлар, давлат ва жамият тақдири ҳал қилинадиган қарорлар қабул қилинганда бу катта аҳамият касб этади. Олий Мажлисга депутатлар сони аниқ белгиланувчи мажмуа уларнинг профессионал маҳорати, билими, маданиятининг юқори савияда бўлишини талаб қилади. Йиллар давомида шаклланаётган демократлаштириш жараёни кўпгина қийинчиликларни, қарама-қаршиликларни, эскича тафаккур руҳиятини енгиш орқали боряпти.

Бугунги кунда инсониятнинг XXI асрга қўядиган қадамининг замини вужудга келтирилаяпти. Бу ишда жамият ижтимоий тараққиётининг потенциаллари мужассамлашган соғлом фикр ва реализм, рационализм ва демократиянинг куртакларини ҳимоя қилиш керак.

Ўзбекистон халқларининг тарихий донолигига таянган ҳолда «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисига сайловлар тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини ёқлаб чиқишимиз бунинг исботидир. Уни мукаммаллаштиришимиз ва қабул этишимиз буюк келажак сари одимлашда муҳим таянчлардан бири бўлиб қолади.

Уктам ОБИЛОВ,
1-Тошкент Давлат тиббиёт институти фалсафа, мантиқ ва давлат ҳуқуқий кафедраси мудири, фалсафа фанлари номзоди, доцент.

• Бозор иқтисодиёти ва ҳаёт

КВАРТИРА ҲАҚИ ҚАНДАЙ БЕЛГИЛАНАДИ?

Шундай қилиб, 1 ноябрдан бошлаб уй-жой фондига хизмат кўрсатиш ва уни сақлаш учун ҳисоб-китобларнинг контракт (шартнома) тизимига ўтилади. Бу Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг қарорида кўзда тутилган.

Ҳозирги пайтда шаҳардаги барча туман уй-жой ташкилотларида квартираларга техника хизмати кўрсатиш учун шартномалар тузилмоқда. Таҳририятимизга бу масалада пайдо бўлаётган у ёки бу саволларни тушунтириб бериш юзасидан мактублар келмоқда. Уларга Тошкент шаҳар Ҳокимининг ўринбосари, шаҳар ҳудудий коммунал-фойдаланиш бирлашмасининг бошлиғи Рўзи ҲИКМАТУЛЛАЕВ жавоб беради:

— Ҳозир кўпчилик «Квартираларимиз хусусий бўлгани ҳолда унга нимага яна ҳақ тўлашимиз керак», деган савол билан мурожаат этмоқда. Бу қоида Ўзбекистон Республикасининг давлат уй-жой фондини хусусийлаштириш тўғрисидаги қонуннинг 24-моддасида кўзда тутилган. Бу моддада хусусийлаштирилган уй-жойларга эгалик қилаётган фуқаролар муҳандислик жиҳозлари, уйдан умумий фойдаланиладиган жойларга хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш, уй атрофларидаги ҳудудни сақлаш билан боғлиқ ҳаражатларни қоплашлари қайд этилган. Бунда тўланадиган ҳақ квартира эгаларининг уйда эгаллаб турган умумий майдонларига мутаносиб бўлади.

Умумий уй-жой майдони 1 квадрат метрига тўланадиган ҳақ миқдори қандай белгиланиши тўғрисидаги савол ҳам кўпчиликни қизиқтирмоқда.

Бу ҳақни белгилаш услубиёти республика Вазирлар маҳкамасининг 1993 йил 17 июлдаги қарори, коммунал хизмат кўрсатиш вазирининг 1993 йил 13 сентябрдаги буйруғи билан тасдиқланган. Уларга кўра уй-жойга хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш учун ҳақ тўлаш миқдори, биринчидан, жорий таъмирлаш учун ҳаражатлардан шаклланади. Бунга доимий ва муваққат таъмирлаш ишлари билан шуғулланувчи ишчилар меҳнатига тўланадиган ҳақ, жорий таъмирлашни ўтказиш учун материалларга сарф-харажатлар ҳам киради. Янада тушунарли бўлиши учун жорий таъмирлаш учун сарф-харажатлар меъёрлари уй-жой биноси тикланиш қийматининг муайян фоизи миқдорида белгиланганлигини айтиб ўтишим керак. Бу кўрсаткич ғишт, темир-бетон, тош бинолар учун 0,75 фоиз, ёғоч уйлар учун 1,15 фоиз, йиғма, ҳом ғишт ва пахсали уйлар учун 1,3—1,5 фоиз миқдорида белгиланган. Бу маблағлар ҳисобига умумий фойдаланадиган жойлар, томлар, зиналар таъмирланади, ертўлаларда зарур ишлар бажарилади, қишга тайёргарлик кўриш режаларига кўра иситиш тизимлари ювилади, ҳоказо ишлар бажарилади.

Квартира ҳақига капитал таъмирлаш учун харажатлар ҳам киради. Уй-жойларни капитал таъмирлаш учун сарф-харажатлар меъёри биноларнинг пухта-пишиқлигига боғлиқ бўлади. Бу ҳозирги нархлардаги баланс қийматининг 1,1—3,3 фоизини ташкил этади. Уй-жойларни жорий ва капитал таъмирлаш учун сарф-харажатлар ҳисоблаб чиқилаётганда иш ва материаллар қимматлашиши кўзда тутилган коэффициентлар қўлланилади.

Фаррошлар, лифтчилар, уй ичкарисидаги ҳамда уй атрофидаги ҳудудларни сақлаш билан боғлиқ ишлар билан машғул бўлган ходимларга кетадиган сарф-харажатлар ҳам квартира ҳақига киради. Бу ана шу ишларни бажарадиган ходимлар сони, умумий фойдаланиладиган майдонлар, ахлат тўпланадиган қурилмалар сони ва ҳоказоларга боғлиқ бўлади.

Уй хўжалигини сақлаш билан боғлиқ сарф-харажатлар квартира ҳақи миқдорини белгиловчи омилдир. Бунга ҳудудни тозалаш, кўчадаги ахлатни ташиб кетиш, мўриларни тозалаш, ертўлаларни дезинфекция қилиш, умумий фойдаланиладиган жойларни ёритиш, лифт ва ахлат тўпланадиган қурилмаларни сақлаш, кўкаламзорлаштириш билан боғлиқ сарф-харажатлар киради.

Уй-жой бир квадрат метри учун тўланадиган ҳақ миқдорини белгилашда машина-ускуналар, бошқа буюмлар амортизацияси учун тўловлар, зарур ҳисоб-китоб ишларини олиб бориш билан боғлиқ харажатлар ҳам киради.

Уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш учун юқорида қайд этилган сарф-харажатлар намунавий шартномада қайд этилган.

Умумий майдони бир квадрат метри учун ҳақ тўлашни белгилашда чалкашликларга йўл қўймаслик мақсадида ҳисоб-китоблар иложи борича соддалаштирилди. Маълумки, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари уй-жой майдонларининг умумий майдони 20,4 миллион квадрат метрга тенгдир. Юқорида тилга олинган барча сарф-харажатлар мана шу миқдорга бўлинса, умумий майдон бир квадрат метри учун тўланадиган ҳақ миқдори 60 сўмга тенг бўлади. Бизнинг аввалги суҳбатимизда («Тошкент оқшоми», 1993 йил 6 октябрь) таъкидлаб ўтилганидек, бу ҳақ миқдори уй-жойларнинг ҳолатига қараб муайян даражада арзонроқ ва қимматроқ бўлиши мумкин.

Кўпгина фуқароларни уй-жойлардаги квартиралар майдонини ҳисоблаб чиқиш қоидалари қизиқтиради.

Квартиранинг умумий майдонини барча хоналар, хоналардаги жавонлар, шунингдек, лоджия, балконлар, айвон ва ертўлалар умумий майдонининг йиғиндиси сифатида билиш керак. Бунда ана шу қўшимча майдонларга қўйидаги камайтирувчи коэффициентлар қўлланилади: лоджиялар учун — 0,5, балкон ва айвонлар учун 0,3, ертўлалар учун— 0,1.

Шу ўринда квартира ҳақи тўлашдаги имтиёзлар ҳақида ҳам айтиб ўтиш ўринлидир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 1993 йил 17 июлдаги қарорига мувофиқ фуқароларнинг айрим тоифалари ана шундай имтиёзга эгадирлар. Бунда уй-жойлардан фойдаланиш ташкилоти белгилаган ҳақ билан имтиёзли ҳақ орасидаги тафовут бюджет манбаларидан қопланади. Уй-жойлар корхона, ташкилотларга қарашли бўлса, тафовут улар маблағлари ҳисобидан қопланади.

Намунавий шартномани имзолайдиганлар эътиборини ундаги босмахона айби билан йўл қўйилган хатога қаратмоқчиман. Шартноманинг биринчи моддасида «Ижрочи ўз вазифаларини муддатида ёки яхши бажармаса буюртмачига тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун тўлов умумий миқдорининг 0,5 фоизи миқдорида жарима тўлайди», деб кўрсатилган. Аслида эса бу жумла қуйидагича ўқилиши зарур: «Ижрочи ўз вазифаларини муддатида ёки яхши бажармаса буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун ишлар ҳажми қийматининг 0,5 фоизи миқдорида жарима тўлайди».

Қуйидаги маҳаллий кенгашлар уй-жой фондидан фойдаланиш харажатлари, капитал таъмирлаш ва коммунал хизматлар учун бир ойлик ҳақ тўлашнинг 1993 йил 17 июлдаги қарорига мувофиқ фуқароларнинг айрим тоифалари ана шундай имтиёзга эгадирлар. Бунда уй-жойлардан фойдаланиш ташкилоти белгилаган ҳақ билан имтиёзли ҳақ орасидаги тафовут бюджет манбаларидан қопланади. Уй-жойлар корхона, ташкилотларга қарашли бўлса, тафовут улар маблағлари ҳисобидан қопланади.

Намунавий шартномани имзолайдиганлар эътиборини ундаги босмахона айби билан йўл қўйилган хатога қаратмоқчиман. Шартноманинг биринчи моддасида «Ижрочи ўз вазифаларини муддатида ёки яхши бажармаса буюртмачига тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун ишлар ҳажми қийматининг 0,5 фоизи миқдорида жарима тўлайди», деб кўрсатилган. Аслида эса бу жумла қуйидагича ўқилиши зарур: «Ижрочи ўз вазифаларини муддатида ёки яхши бажармаса буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун ишлар ҳажми қийматининг 0,5 фоизи миқдорида жарима тўлайди».

Қуйидаги маҳаллий кенгашлар уй-жой фондидан фойдаланиш харажатлари, капитал таъмирлаш ва коммунал хизматлар учун бир ойлик ҳақ тўлашнинг тахминий ҳисоб-китоблари жадвали келтирилган. Бу ердаги нархлар бир қарашда оз эмасдек кўриниши мумкин. Лекин бу ҳақлар миқдори Ҳамдўстлик бошқа давлатларидагидан анча камлигини таъкидлаш керак.

Россия Федерацияси ҳукуматининг қарорида уй-жой ҳақи учун Россия фуқаролари даромадларининг 7 фоизини сарфлашлари кўрсатиб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг доно сиёсати туфайли уй-жой учун тўланадиган ҳақ миқдори Ҳамдўстлик бошқа давлатларникига нисбатан анча кам қилиб белгиланган. Масалан, қуйидаги жадвалдан икки хонали квартира учун тўланадиган ҳақ 1006 сўмни ёки энг кам иш ҳақининг 7 фоизга яқинини ташкил этиши кўриниб турибди.

Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларининг уй-жой фондидан фойдаланиш ҳаражатлари, капитал таъмирлаш ва коммунал хизматлар учун бир ойлик ҳақ тўлашнинг 1993 йил 20 июлгача бўлган

ТАҲМИНИЙ ҲИСОБ-КИТОБИ

Кўрсаткичлар	уйни сақлаш ва ундан фойдаланиш учун сарф-ҳаражатлар: умумий майдон 1 кв. м. таннархи 100 фоизи ҳисобида — 60 сўм.	уйни сақлаш ва ундан фойдаланиш учун сарф-ҳаражатлар: ҳозир амалдаги тариф бўйича	коммунал хизматлар	уйдан фойдаланиш, сақлаш ва коммунал хизматлар учун амалдаги тариф	коммунал хизматлар, уй-жойлар таннархидан келиб чиққан ҳолда уларни сақлаш ва фойдаланиш учун амалдаги тариф ҳамда бюджетдан ажратиладиган дотация: таннархнинг 100 фоизи + коммунал хизматларнинг 100 фоизи	аҳолидан 30 фоизи + коммунал хизматларнинг 100 фоизи	фойдаланиш харажатларининг 70 фоизи (дотация)
1. Икки кишилик оиланинг бир хонали квартира ҳақи. 18 кв. м. тур.-жой май. 30 кв. м. ум. май.	1800-00	3-56	131-04	134-60	1931-04	671-04	1260-00
2. 4 кишилик оиланинг 2 хонали квартираси учун ҳақ 28 кв. м тур. жой. май. 42 кв. м. ум. май.	2520-00	5-54	250-88	256-42	2770-88	1006-88	1764-00
3. 5 кишилик оиланинг 3 хонали кв. учун ҳақ 42 кв. м. тур. жой. май 69 кв. м. ум. май.	4140-00	8-31	323-40	331-71	4463-40	1565-40	2898-00
4. 7 кишилик оиланинг 4 хонали кв. учун ҳақ 55,5 кв. м. тур. жой. май. 89 кв. м. ум. май.	5340-00	10-99	448-14	459-13	5788-14	2050-14	3738-00
5. 10 кишилик оиланинг 5 хонали кв. учун ҳақ 70 кв. тур. жой. май. 100 кв. м. ум. май.	6000-00	13-86	627-20	641-06	6627-20	2427-20	4200-00

ИЗОҲ: умумий майдон 1 кв. м фойдаланиш таннархи — 27 сўм, капитал таъмирлаш — 33 сўм, турар жой майдони 1 кв. м учун амалдаги тариф: квартира ҳақи — 19,8 тийин, иситиш — 1,40 сўм. Истиқомат қилувчи ҳар бир кишидан олинадиган ҳақ: табиий газ учун — 4-50 сўм, иссиқ сув — 14 сўм, водопровод ва канализация —14,42 сўм, тозалаш — 20 сўм.

• Ажойиб анъаналаримиз

ФАХРИЙЛАР ҲАМИША ЭЪЗОЗДА

ШАҲРИМИЗДА Ўзбекистон спортининг тамал тошини қўйган фахрий спортчилар жуда эъзозланади. Анҳор бўйидаги шинамгина қаҳвахонада Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт давлат комитети, пойтахт спорт комитети, «Меҳр-шафқат ва саломатлик» шаҳар жамғармалари бошчилигида куни кеча учинчи марта ўтказилган анъанавий Тошкент шаҳар спорти фахрийлари иштирокидаги кеча бунга яққол мисол бўла олади. Шу куни тадбирга республикада оммавий жисмоний тарбияга асос солган куюнчак спортчилардан бири 90 ёшли Пётр Таранов, Ўзбекистоннинг илк оғир атлетикачиларидан бири, уруш ва меҳнат фахрийси Ҳасан ота Исломов, 70 ёшдан ошган бўлсада ҳамон кексаликка бўй бермай ёшлар ва фахрийлар ўртасида шахмат ва шашка мусобақаларини уюштираётган Республика шахмат-шашка федерациясининг аъзоси Шокир ота Ёқубов, «Локомотив» спорт комитетининг собиқ раиси, Ўзбекистонда темир йўл транспорти соҳасида жисмоний тарбия ва спортнинг йўлга қўйилишига бош қўшган кишилардан бири —80 ёшли Герман Ёлхин, республикада футбол ва баскетбол асосчиларидан ҳисобланмиш 80 ёшли Анатолий Кириллов ва бошқалар ташриф буюришди. 200 га яқин собиқ спортчилар қатнашган кечада ҳар бир туман ўз фахрийларини юборди. Шу ўринда ҳозирги иқтисодий мураккаб шароитларда фахрийлардан ўз ҳимматини аямаган республика ва шаҳар жисмоний тарбия ва спорт комитетлари, «Пахтакор» спорт ва футбол клуби, Ўзбекистон футбол федерацияси, Чилонзор туманидаги «Саломатлик» спортсоғломлаштириш клуби, Тошкент Олий спорт маҳорати мактаби, касаба уюшмаларининг «Ўзбекистон» жисмоний тарбия ва спорт жамиятларига тасаннолар айтгинг келади. Зеро, Ўзбекистоннинг саҳий табиати қўйнида етиштирилган турли ноз-неъматлар билан тўла дастурхон устида фахрийларимиз мириқиб гурунглашишди, ўзбеклар одатича тўй оши тортилди. Айни пайтда ногиронлиги учун тадбирда иштирок эта олмаган кекса спортчиларнинг уйларига совға-саломлар, эсдалик буюмлари олиб бориб топширилди.

Кечани Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт давлат комитетининг раиси Собир Рўзиев очди. Ундан кейин сўзга чиққан фахрийлардан Ҳ. Исломов, Ш. Ёқубов ва бошқалар келгусида спортни ривожлантириш учун қандай ишлар бажариш лозимлиги ҳақида тўхталдилар, ўзларининг бой тажрибалари билан ўртоқлашдилар. Бу борада ўзаро фикр алмашувлар бўлди. Бундай тадбирни йилига икки маротабадан ўтказиб туриш ҳақида таклифлар тушди. Шуниси қувончлики, 1994 йилдан бошлаб фахрий спортчилар учрашуви йилига икки маротаба: дастлаб март ойида Наврўз байрами арафасида ва октябрь ойининг бошида мустақиллик байрами ва Халқаро қариялар кунига бағишлаб ўтказиладиган бўлди.

Шаҳар маданият бош бошқармаси томонидан уюштирилган бадиий ҳаваскорлар концерти ушбу тадбирга файз ва тароват бағишлади.

Дилшод ИСРОИЛОВ.

• Олий ўқув юртларида

АМАЛИЙ ЁРДАМ БЕРИЛАДИ

БИР неча кундирки, республикамизда меҳмон бўлиб турган, АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси таклифига биноан келган Америкадаги журналистларнинг халқаро мустақил жамғармаси раиси Гринфилд ва «Тэйм» газета-журнал корпорациясининг вице-президенти Уилсон Тошкент Давлат университетида бўлиб, журналистика факультети ўқитувчилари билан учрашишди.

Мазкур жамғарма иқтисодий томондан яхшигина кучга эга, жамғарма томонидан кўпгина давлатларда ўқув марказлари очилаётгани ҳам буни яққол кўрсатади.

Бўлиб ўтган учрашувдан асосий мақсад ўзаро фойдали ҳамкорлик йўлларини қидиришдир. Шу сабабдан факультетдаги ўқув жараёнлари билан яхшилаб танишиб чиққан меҳмонлар журналистика факультетини техник жиҳозлар билан таъминлашга розилик билдирдилар. Албатта, бу келгусида кўпгина истеъдодли журналистларнинг етишиб чиқишига имкон яратади.

Учрашувда қатнашган журналистика факультети декани С. Умиров, радиотелевидение кафедраси мудири, профессор Ҳ. Акбаров, матбуот назарияси ва амалиёти кафедраси мудири Б. Дўстқораев, доцентлар М. Худойқулов, Н. Абдуазизова, Ю. Ҳамдамовлар келгусида ижодий ҳамкорликни ҳам яхши йўлга қўйиш, америкалик журналистлар ҳамда ўқув даргоҳлари билан дўстона ҳамкорлик қилиш ҳақида ўз фикрларини билдиришди.

Эркин ЭСИРГАДИЕВ.

• «Ўқитувчи—93» танлови

МАҲОРАТИНГИЗГА БАЛЛИ!

Эртасига республика ёш томошабинлар театрининг томошагоҳида гўё зулмат қаъридан нур бўлиб чиқаётгандек гўзаллик, нафосат ва жасоратга йўғрилган афсонавий қаҳрамон Тўмарис ролидаги бу қизни кўрганимизда унинг маҳоратига қойил қолдик.

Шу куни театр зали Собир Раҳимов туманининг энг илғор ўқитувчилари, талабчан ҳакамлар ва меҳмонлар билан гавжум бўлди. Тадбирни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Лутфулла Саъдуллаев ўзига хос зукколик билан бошқарди. «Ўқитувчи—93» танловининг фаол қатнашчилари 165-мактабнинг ўзбек тили ўқитувчиси Моҳира Сафоева, 15-мактаб жисмоний тарбия ўқитувчиси Владимир Зайцев, 249-мактабдан Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтиш жоизки, билим даргоҳларида ноанъанавий усулда дарс бериш учун кенг йўл очилди. Учта мактабга гимназия унвони берилди. Қатор мактабларда боғчага бормаган ўқувчиларни мактабга тайёрлайдиган якшанба мактаблари ташкил этилди. Ўқувчиларни олий ўқув юртига тайёрлайдиган пуллик курслар очилди. Тўққиз йиллик таълимга ўтиш режаси ишлаб чиқилиб, 23, 111-мактаблар сентябрь ойидан бошлаб тўлиқсиз ўрта мактабга ўтказилди. 9-синф ўқувчиларининг қизиқишларига кўра мактаблар, маҳаллалар қошида миллий ҳунармандчилик қисқа курслари иш бошлади. Ўқув ишлаб чиқариш марказида косиблик, ҳисобчи, авточилангар, попопчи, сандиқчи, бешикчи касбларига ўргатиш бўйича гуруҳлар ташкил этилди. Туман болалар ва ўсмирлар ижодиёти марказида 45 та тўгарак фаол ишлаб турибди. Иқтидорли ёшларга алоҳида эътибор қаратилган. Ўқувчилардан уч нафари Улуғбек стипендиясига номзод. Яна бири Тошкент шаҳар Халқ таълими Бош бошқармаси стипендиясини олянти. Ўтган йили туман ўқувчиларидан 24 нафари шаҳар, 6 нафари республика олимпиадалари ғолиблари бўлишди.

— Булар ҳақида ҳаяжонсиз гапириб бўлмайди, — дейди биз билан суҳбатда туман халқ таълими бўлими мудираси Мақсуда Одилова. — Муаллимларимиз бугунги танловга ана шундай улкан ютуқлар билан келишди.

«Ўқитувчи—93» танлови қатнашчилари «Ташриф варақаси», «Келажагимиз мактаби», «Таълимда», «Педагогик вазифа», «Бевегган машғулот» каби топшириқларни қунт ва маҳорат билан бажардилар. «Тўмарис» — Моҳира Сафоева тумандаги «1993 йил ўқитувчиси» номини олди. Владимир Зайцев ва Барно Муҳаммадхўжаева эса иккинчи ва учинчи ўринни эгаллашди.

Бундай тадбирлар ёш авлодни тарбиялашдек масъулиятли вазифани ўз зиммасига олган ўқитувчи меҳнатини қадрлаш, унинг ўз ишига масъулият билан ёндошиши, ўқиб-ўрганиши, изланишида муҳим омил бўлишига ишонч ҳосил қилдик.

Замира ТУЛАГАНОВА.

● **СУРАТЛАРДА:** танловдан лавҳалар.

Холмат Мирзакаримов суратлари.

МОҲИРА Сафоева билан автобусда тасодифан танишиб қолдик. У «Ўқитувчи—93» танловида иштирок этажаги, шу мақсадда филармониядан миллий рақс кўйлаклари олиб келаётганини айтди. Йўл-йўлакай танловга қандай тайёргарлик кўргани, ёд олган шеърларию, Тўмарис қиёфасида чиқишини ҳаяжон билан айтиб улгурди.

Барно Муҳаммадхўжаева, 46-мактабдан Улуғбек Раҳимов, 134-мактабдан Васила Омонова, 28-мактаб ўқитувчиси Фарида Шарофиддинхўжаевалар ўз маҳоратларини намойиш қилдилар.

Албатта, танлов қатнашчилари олижаноб ва машаққатли касбни шарафлаб келаётган тумандаги уч ярим мингдан зиёд ўқитувчилар орасидан саралаб олинган эди.

Инсон умрининг сир-асрорлари

ЮЗ ЁШИДА ҲАМ ҚАРИМАГАН

БУ воқеа бундан бир неча йил муқаддам рўй берган эди. Америка Қўшма Штатларининг Президенти Фордга унинг қабулига қандайдир кимса анчадан бери кириш учун изн сўраётганини маълум қилишди. Бундай ҳолатларга кўникиб қолган Президент ҳайратланмади ва ўша кимсанинг киришига рухсат берди. Танишув ва бирозгина суҳбатдан сўнг меҳмон ўз муддаосини баён этди: «Агар Америка аҳолиси ҳозирдаги каби гўштни кўп истеъмол қилаверса яқин йиллар ичида касалманд миллатга айланамиз».

Халқ саломатлиги учун бу қадар қаттиқ қайғураётган ким эди? У на давлат маслаҳатчиси, на бир шифокор, балки америкалик оддий фуқаро, яккаю-ягона китоби билан доврўғи оламни тутган Поль Брэгг эди. У Американинг Виржиния штатида туғилди. Бетартиб ҳаёт кечириши натижасида бир қанча дардга чалинди. «Ўша пайтларда истеъмол қилган овқатларимни ҳозир кўз олдимга келтирсам даҳшатга тушаман, — деб ёзганди у болалик чоғларини эслаб. — Таомларимнинг 90 фоизини қовурилган овқатлар, асосан гўшт, бекон, ветчина, қартошка ва бошқалар ташкил этарди. Бундан ташқари, сут маҳсулотлари, крем, бисквит, турли хил ширинликлар, мурабболар менинг севимли таомларим эди. Аммо вақт ўтиши билан улар танамни заҳарлаб бораётганидан бехабар эдим. Ҳар куни тўққиз соатгача ухлардим. Шунда ҳам ланж бўлиб уйғонардим. Оғзимда бемаза таъм ҳосил бўларди».

16 ёшида сил хасталигига чалинган Брэггга швейцариялик доктор Август Роллье оч қолишни тавсия этиб, уни ўз назоратида тутади. Аввалига Брэгг бирваракайига тўрт кун оч қолади. Сўнгра бу муддатни вақт ўтгани сайин узайтириб боради. Оқибатда у мисли кўрилмаган юксак натижаларга эришиб ўзининг тартибли, соғлом ҳаётини бошлайди: ҳар куни эрта тонгда уйғониб, тоза ҳавода югуради, бадантарбия қилади, соат 11 да битта олма, ёки бошқа бирор мева тановул қилади, тушликка сувда пиширилган сабзавотлар ейди. Кечкига ҳам қайнатилган сабзи ёки карам истеъмол қилади. Ҳар ҳафтада бир кун, яъни 24 соат, бир йилда тўрт марта 7 кундан 10 кунгача ҳеч нима емайди, фақат вақтиваҳти билан дистерланган сув ичиб туради. Бир ҳафтада 12 марта овқатланади.

Поль Брэгг ана шу ҳаёт тажрибаси асосида «Очлик мўъжизаси» деган китоб ёзди ва бу китоб уни оламга машҳур қилди. Китоб муқовасининг тўртинчи бетига «Яшаш учун емоқ керак, ейиш учун яшамоқ эмас» деган сўзлар ёзилган. У ҳозирга қадар бир неча марта чоп этилди ва ҳар сафар китобхонлар орасида қўлма-қўл бўлиб кетди.

Брэгг учун ҳаётда энг қиммати нарса саломатлик саналади. Оч қолишдан мақсад ҳам танани ҳар хил чиқинди, заҳарли моддалардан, ортиқча ёғлардан тозалашдир. Тоза танада кайфият кўтаринки, руҳ тетик, ақл ўткир бўлади. Унинг фикрича инсон танаси токи мавжуд экан, ўзига ёпишган ортиқча нарсаларни чиқариб ташлаш билан банд бўлади. Инсоннинг вазифаси ана шу жараёнда фаол иштирок этишдир, яъни у овқат ейишни маълум муддатга тўхтатиши кифоя, тана ўзини ўзи тозалайверади. Шунинг учун ҳам Поль Брэгг ҳеч нарсадан ҳайиқмай ўз китобида «Биз заҳарли моддаларга тўлган дунёда яшаяпмиз, сув, ҳаво, ер, барчаси заҳарланган» деб бир неча марта баралла айтади.

«Очлик мўъжизаси» китоби ҳақида сўз юритадиган бўлсак, шуни таъкидлаш лозимки, Брэгг бу ўринда ўзининг иродали инсон эканлиги билан бирга ёзувчилик қобилияти ҳам мавжудлигини намоён эта олган. Унинг сўзга ниҳоятда усталиги китобнинг қадрини оширган, ўқувчини ўз ғояларига ишонтира олган. Шунинг учун ҳам у зерикмай ўқилади. Китоб бир неча бобдан, боблар эса бўлимлардан иборат. Маълум бир бўлим сўнгида халқ мақоллари донишмандларнинг ибратли сўзлари келтирилган. «Ҳар ўн кишидан тўққизтаси ўз-ўзининг қотилидир» (Б. Франклин). «Ортиқчалик қилган нимаики бор — табиатнинг душманидир» (Буқрот). «Истеъмол қилинган таомда ҳаёт учун зарур моддалар бўлмас экан, кўпи ошқозони овқат билан тўлганда ҳолда очликдан ўлиши мумкин», «Нима истеъмол қилишингни айт, мен сенинг кимлигингни айтаман» шулар жумласидандир.

Поль Брэггнинг фикрича инсон тановул қиладиган нарсаларнинг катта қисми табиатнинг ўзидан олиниши, яъни хом сабзавот ва мевалар бўлиши керак. Чунки ҳар қандай табиий озуқага қанчалик кўп ишлов берилса у ўзидаги ҳаёт учун зарур моддаларни шунчалик кўп йўқотади.

Очликнинг мўъжизалари кўп. У инсон тана аъзоларини тозалаш билан бирга вақтни орқага айлантиради, яъни кишини ёшартиради. Очлик ёрдамида тана қуввати ошади, чунки ундаги қувват мандаларини босиб ётган чиқинди, заҳарли моддалар, ортиқча ёғлари ташқарига чиқиб кетади. Очлик туфайли тананинг барча аъзолари дам олади. Очлик туфайли киши ўзи билан ва билмаган дардларидан ҳоли бўлади. Очлик туфайли кўз ўткирлашади, хотира мустаҳкамланади, мия фаолияти кучаяди, тери гўзаллашади, қулоқ ва тилнинг сезгирлиги ошади. Бир сўз билан айтганда очлик дастурига амал қилиб киши қандай бўлишни истаган бўлса ўша орзусига эришади.

«Очлик мўъжизаси»ни ўқиган ҳозирги замон кишиси ўзининг шу пайтга қадар нотўғри яшаб келаётганига иқрор бўлади ва тўғри, тартибли ҳаётга ўтади. Бунинг учун муаллифнинг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган муносабати билан танишиш кифоя:

— чой, қаҳва, какао. Муаллиф уларни спиртли ичимлик ва тамаки қаторига қўяди, чунки бу ичимликларга ҳам одам ипсиз боғланиб, улар йўқ бўлганда ҳумори тутади. Тана эса фақат сувни ташқарига чиқариб ташлайди. Демак, бу ичимликлардаги сувдан бошқа моддалар танада чиқинди сифатида қолиб кетади.

— туз. Қизиғи шундаки, Брэгг тайёр ҳолдаги тузни истеъмол қилинадиган масаллиқ деб ҳисобламайди. Балки хом сабзавотлар ейишни тавсия қилади, чунки уларнинг таркибида етарли миқдорда туз бор. Одам танаси эса тайёр ҳолдаги тузни парчалай олмайди. Демак, у чиқинди сифатида тўқимларда қолиб кетади.

— сут маҳсулотлари. Машҳур спортчи ва киноюлдуз Арнольд Шварценеггердан «Сиз бундай жисмоний баркамолликка эришиш учун ишни нимадан бошладингиз» деб сўрашганида у шундай жавоб қилган экан: «Биринчи қилган ишим шу бўлдики, мен ўз дастурхонимдан сут маҳсулотларини умуман чиқариб ташладим». Ҳозирги замон тиббиёт олимларининг фикрига кўра инсон танасида сут маҳсулотларини парчаловчи ферментлар у бир ёшга тўлгунча мавжуд бўлар экан. Бир ёшдан сўнг бу фермент йўқолади. Шу ёшдан сўнг ҳам сут истеъмол қилинаверса ошқозонда парчаланмай қолган сут томирларда ички сунъий девор ҳосил қилади ва бу девор хасталик пайдо бўлишига сабаб бўлади. Хўш, бу борада Брэгг нима дейди? «Инсон она кўкрагидан ажралгандан сўнг ҳам сут истеъмол қиладиган ягона мавжудотдир», — дейди у ва сут маҳсулотларини ичмасликни тавсия этади.

— гўшт. Брэгг гўштни ҳафтада 3 марта ейишни буюради. Чунки ҳар қандай гўшт таркибида қон қолдиқлари бўлиб, қон таркибида эса холестерин моддаси мавжуд. Ана шу модда тана тўқималари ва томирларда қотиб қолади. Аммо инсон учун оқсил моддаси ниҳоятда зарур. Брэгг бу моддани ёнғоқ, писта кабиларни еб топади. Юқорида келтирилган чой, кофе, туз, сут, гўшт маҳсулотлари танани ортиқча моддалар билан ифлослантириши оқибатида кишида турли хасталиклар, асосан юрак қон-томир касалликлари пайдо бўлади. Бундан ташқари Поль Брэгг турли ширинликлар, жўмладан тортлар, печенье, пирог, қуритилган ва консерваланган мевалар истеъмол қилишни тақиқлайди. Чунки улар қайта ишланавериб ўзидаги зарур моддаларни йўқотган. Муаллиф қадоқланган қанд истеъмол қилинишига ҳам қарши. Ваҳоланки, тана учун зарур бўлган глюкоза сабзавотларда етарлича мавжуд.

«Очлик мўъжизаси» китобини ўқиган одам кўз кўриб қулоқ эшитмаган далилларга дуч келади. Киши шамоллаб қолса совуқда кўпроқ туриб қолганини баҳона қилади. Аслида эса касалликка совуқнинг ҳеч қандай алоқаси йўқ. Қишда бурун ва йўталганда томоқ орқали танада йил бўйи кўп ва нотўғри овқатланиш оқибатида йиғилган озуқа қолдиқлари шиллиқ модда сифатида чиқиб кетади. Ана шу чиқиндилар ҳаддан ташқари кўп бўлса улар реакцияга киришиб тана ҳароратини кўтариб юборади. Оч қолиш нафақат семизликка, балки озғинликка ҳам барҳам беради. Чунки семизлик ҳам, ориқлик ҳам касаллик саналади. Ориқ одам оч қолиб ўз танасини тозалайди, ошқозони дам олади, куч йиғиб овқатни аввалгидан яхшироқ ўзлаштиради. Ваҳоланки, ориқликдан қутулиш овқатни кўп ёки кам истеъмол қилишга эмас, балки ошқозон овқатни қай даражада ўзлаштиришига боғлиқ. Яна бир қизиқ ҳолат: касал ётган одамда ноғаҳон иштаҳа йўқолса ўзи ҳам, ён-атрофидагилари ҳам ваҳимага тушадилар. Аслида бундан хурсанд бўлиш керак. Бемор иштаҳасини йўқотдими, демак у даволанянти, тана касаллик келтириб чиқарган чиқиндиларни ёйишни бошлади. Беморга овқат бериб, ички даволаниш жараёнини бузмаслик керак.

«Очлик мўъжизаси» китобини ўқиган замондошимиз муаллифни тентакка чиқариши ҳеч гап эмас. Чунки ҳозирги замон кишиси бир кунда қатъий уч маҳал, баъзилар эса тўрт маҳал овқатланишади, гўёки бу қонун томонидан белгилангандай. Ваҳоланки, Брэгг эрталаб овқатланишни тавсия этмайди. Тун бўйи дам олиб, қувват йиғиб чиққан тана энди уни сарфламоқчи бўлганида баъзилар уни овқат билан банд қилишади. Натижада қувватнинг катта қисми инсоннинг иш фаолияти учун эмас, балки ошқозон томон йўналади. Ҳар куни тонгда сут ичишни канда қилмайдиган, бир ўтиришда икки-уч чойнак чойни кўрдим демайдиганлар камми? Тузлама, қалампирсиз овқат емайдиганлар, бир кунда уч маҳал гўшт истеъмол қиладиганларнинг ҳисоби йўқ. Улар спиртли ичимлик ва тамаки каби ана шу овқатларга ипсиз боғланишган. Четдан қараганда бундай кишилар ҳамма қатори ҳаёт кечиришади. Аммо бу хотиржамлик узоққа бормайди. Дард ҳеч кимга билдирмай улар танасида илдиз отади ва бир кун ўз кушандасини тўшакка элтади. Бетартиб ҳаёт кечирувчи бундай кишилар «Шифокорнинг барча айтганларини қилсанг одамгарчиликдан чиқасан» деган гапни ўзларига шиор қилиб олишган. Аслида эса аксинча, уларнинг ўзлари одамгарчиликдан чиқиб қолишган. Чунки эс-хуши жойида бўлган одам ўз саломатлиги дея қайғуриб яшайди.

Поль Брэгг ўз китобида дунёда 9 та шифокор борлигини айтиб ўтади. Уларнинг биринчиси — қуёш нуридир. Бу нур инсоннинг ҳаёт фаолиятини кучайтириш билан бирга танадаги баъзи бир микробларга қирон келтиради. Иккинчи шифокор — тоза ҳаво. Тоза ҳаво кўзга кўринмас овқатдир. Чўқур, аммо секин нафас олиш билан инсон кислород ютиб танадан ортиқча углекислотани чиқариб ташлайди. Учинчи шифокор — тоза сув. Сув тананинг 70 фоизини ташкил этиши унинг инсон учун нақадар қимматли эканига далилдир. Тўртинчи шифокор — табиий овқатланишдир. Овқат қанчалар табиий, қайта ишланмаган бўлса, у фойдали бўлади. Бешинчи шифокор — очлик. У ҳақида юқорида батафсил айтиб ўтилди. Олтинчи шифокор — бадантарбия. У ҳар бир инсоннинг доимий йўлдошига айланиши шарт. Бадантарбия ёрдамида танадаги ортиқча моддалар чиқариб ташланади. Еттинчи шифокор — ҳордиқ. Одамлар турлича дам олишади: кимдир шахмат ўйнайди, кимдир китоб ўқийди ва кимдир ойнаи жаҳонга термулади. Афсуски, уларнинг ҳеч бири ҳақиқий маънода дам ололмайди. Ҳақиқий дам олиш тананинг ҳар бир аъзосини ўз ҳолига қўйиш, ҳатто фикрлашни ҳам тўхтатиш, қисқаси дунёдан маълум муддатга узилишдир. Саккизинчи шифокор — қадди-қоматни тўғри тутиш. Ҳозирги замон кишиси қандай туриш, ўтириш, ҳатто қандай юриш лозимлигини билмайди. Оқибатда турли касалликларга чалинади. Ва ниҳоят тўққизинчи шифокор — ақл. Поль Брэгг ўз китобининг бир неча жойида «Тана аҳмоқдир» деган жумлани қайта-қайта келтиради. Чунки тана ўзи учун қайғурмайди. Уни бошқариш керак. Танани ақл ихтиёрига бериш лозим. Акс ҳолда, яъни ақл танага итоат этадиган бўлса инсон ўлим ёқасига борib қолади.

Поль Брэггнинг очлик дастурини тўғри тушунмоқ лозим. Уни ўзгалар томонидан кўр-кўрона, қандай бўлса шундайлигича қабул қилиниши яхши оқибатларга олиб келмайди. Чунки ҳар бир тана ўзига хос хусусиятларга эга. Аммо саломатлигини ўйлаган ҳар бир инсон ўзи учун ана шундай дастур кашф этиши мумкин. Бунинг учун оч қолиш кифоя. Нима қилиш кераклигини тананинг ўзи айтади. Ўз тажрибаларининг ҳаммабоп эмаслигини яхши билган Брэгг «Мен шифокор эмас, устозман холос» деганди. Яна шуни таъкидлаш лозимки, ҳар қандай очлик дастурига тўла амал қилиш учун ойлар эмас, балки бир неча йиллар талаб этилади.

Очлик дастурига амал қилиб Поль Брэгг нимага эришди? «Инсон абадий яшамайди, қачондир ўлади, — деб тан олганди у. Аммо ҳеч бир дардга йўлиқмай, ҳаётдан завқланиб яшаш, умрни узайтириш ҳар кимнинг ўз қўлида». Брэгг ҳақиқатан ҳам ҳаётдан завқланиб яшади, дард нималигини билмади, 80 ёшдан ошган чол югуриш мусобақасида ёш спортчиларни ортда қолдириб кетди, сувда сузиш бўйича ҳеч ким унга бас келолмасди. Дунё бўйлаб саёҳат қилиб ўз тажрибаларидан маърузалар ўқиди, шунинг ҳисобига умр кечирди. Бир сўз билан айтганда ҳаётнинг ҳақиқий лаззатини туйишга улгурди.

Поль Брэгг 1976 йилнинг декабрь ойида салкам юз ёшида, аниқроғи 95 ёшида ҳаётдан кўз юмди. Шунда ҳам ўз ажали билан эмас, тасодифий фалокат туфайли ҳалок бўлди. Флорида қирғоқларида тахтачада сузиб кетаётганида уни баҳайбат тўлқин уммон қаърига тортиб кетди. Марҳумни беш фарзанд, 12 невара, 14 эвара ва мингларча издошлар сўнгги йўлга кузатишди. Жасадни ёриб текширув ўтказган мутахассис ҳайратдан ёқа ушлади: Брэггнинг барча ички аъзолари навқирон йигитники каби соф ва мустаҳкам эди. Ўша ерда ҳозир бўлган кишилар Поль Брэгг ҳаёт чоғида тез-тез такрорлаган сўзнинг рост эканлигига амин бўлдилар. У шундай деган эди: «Менинг танам қариш нималигини билмайди».

Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ.

** Маданият масканларида*

СИНФДОШЛАР САЙЛИ

АКМАЛ Икромов номли маданият ва истироҳат боғида «Синфдошлар сайли» бўлиб ўтди. Унда Чилонзор ва Акмал Икромов туман мактабларининг юқори синф ўқувчилари иштирок этдилар. Бадиий ҳаваскорлик гуруҳларининг қувноқ куй ва қўшиқлари, синфдошларнинг оммавий рақслари билан шодон ўтган сайилда мазкур туманларнинг мактаб ўқитувчилари ҳам иштирок этдилар. Улар ўқувчиларга бугунги олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсат, мамлакатимизнинг бозор муносабатларига ўтишдаги ўз йўли ҳақида гапириб, ёшларга Ватанга муносиб фарзандлар бўлиб етишишларига барча шарт-шароитлар етарли эканлиги, бугунги кун ёшлари истиқлол ҳимоячилари эканлиги таъкидлаб ўтилди. Ёшлар ҳам ўз навбатида Ватанга содиқ қолишга, мустақилликни янада мустаҳкамлаш учун қўлларидан келган барча ишларни қилишга тайёр эканликларини изҳор этдилар. Сайил кеч оқшомгача давом этди.

«КУЗНИНГ ГУЛ ДАСТАСИ»

ЗАФАР Диёр номли болалар боғида «Кузнинг гул дастаси» деб номланган болалар сайли бўлиб ўтди. Сайилда иштирок этган болалар ўзига хос жозибага эга бўлган бу кўркам фаслнинг тасвирини асфальтга чизидилар. Турли боғ неъматлари, куз саховати, фаслнинг ўз таровати акс этган расмларни боғ маъмурияти томонидан тузилган ҳакамлар ҳайъати юқори баҳоладилар. Шу куни боққа ташриф буюрган мактаб ўқувчилари, болалар боғчаларининг тарбияланувчилари куз ҳақида ёд олган шеърларини ўртоқларига ўқиб бердилар. Олтин фасл ҳақидаги куй ва қўшиқларни ижро этдилар. Куз ҳақидаги топишмоқларга болалар зукколик билан жавоб бердилар. Ҳар галгидек бу сафар ҳам боққа ташриф буюрган болакайлар бир олам қувонч ва ўз маҳоратларини намойиш этганлар эса турли совғалар билан қайтдилар.

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ.

Юрагимда севги номи бор,
Чиройингда қалбим доми бор.
Йўлларингда қилмагин зор-зор,
Сени излаб топсайдим дилдор.
Суратингни кўзимга суртиб.
Йигитларнинг тинчи йўқолур
Сизни кўргач ишқи ўт олур.
Жонин қийноқ, азобга солур
Хаёл суриб ҳижронда толур.
Интизорлик жабрини тортиб.
Сочингиздек тўлғанади тун,
Тўлғанади юрак ҳам беун,
Севадими — дилда шу тугун,
Васлинг насиб этармн бир кун,
Е кетарман шундайин ўтиб!!
Юзларингда офтобдан жило,
Кўзларингда юлдуздан имо,
Муҳаббатни этажак иншо,
Фақат-фақат сўрайман вафо.
Ошиқ дилим қўлингга тутиб,
Шоирларга сўз булоғи — сиз,
Олимларга бардош тоғи — сиз.
Фазогирга кўк қучоғи — сиз,
Ошиқларга жон қийноғи — сиз,
Бўлармики мадҳингиз битиб,
Омон бўлинг эркин замонда,
Муҳаббатни сақлаб омонда,
Номингизни ёзиб достонда,
Эъзозлайлик суюб ҳар онда,
Суратингиз кўзларга суртиб.

Абдусаттор Тўраев
суратн.

** Инсонийлик сабоқлари*

ЎҒИЛ САОДАТИ ОТА БИЛАН

ДОНИШМАНДЛАРДАН бири шундай деган экан: «Инсон бошида учта кулфат бор. Ўлим, қарилик ва ёмон фарзандлар». Бинобарин қарилик ва ўлимга ҳеч ким ўз эшигини ёполмайди, бироқ ёмон фарзандлардан уйни фарзандларнинг ўзлари асраши мумкин.

Дарҳақиқат, ёмон тарбия кулфатларнинг кулфатидир. Ота-она учун бахт ҳам, обрў ҳам фарзанд тарбияси, унинг одоби. Шарқда тарбияда ота ҳам, она ҳам масъул. Бироқ отанинг тарбиядаги ўрнига алоҳида эътибор берилди. Ота боланинг гўзал фазилатларини эгаллашига, севган касбини пухта ўрганиб олишига ёрдам кўрсатиши, камолотга етишини, илм-фан, касб-ҳунарни эгаллаши ва энг кераклиси озиқ-овқат, кийим-кечак, керакли буюм ва жиҳозлар билан оиланинг кўрки, оила барқарорлиги гарови. Фарзандлар ҳам ота-онанинг умр мевалари. Отадаги барча яхши ва ёмон одатлар болага ўз таъсирини ўтказиши мумкин. Улуғ бобомиз Алишер Навоий бу борада шундай деганлар:

Фарзанд ота қуллиғи чу одат қилғай,
Ул одат ила касби саодат қилғай.
Ҳар кимки атоға кўп риоят қилғай,
Ўғлидан анга бу иш сироят қилғай.

Оилада, айниқса ўғил тарбиясида бош ролни ота ижро этиши керак. Ота ва ўғил муносабати ҳамиша тарбиянинг энг муҳим қирраси бўлиб келган. Ота учун ўғилни ҳар ишга қодир ва комил қилиб тарбиялаш ҳамма замонларда ҳам бурч ҳисобланган. Ота фарзанд камолидан чексиз фахрланган. Ҳар ким фарзанд тарбиялар экан, бу билан ўз зурриёдининг бахтли келажагини таъмин этишни хоҳлаган.

Бизнинг ўз қадриятларимиздан яна бири фарзандга муаллим тайин қилиш бўлган. Улуғ алломаларимизнинг ҳаётига назар ташласак, буюкларнинг оталари уларнинг ёшлигиданоқ муаллим излашган. Буюк мутафаккир Абу Али ибн Синонинг отаси Абдуллоҳ ибн Сино ҳам ўз замонасининг машҳур олимлари Маҳмуди Массоҳ, Исмоил аз Зоҳидий, Абу Абдуллоҳ Нотилийни уй муаллими этиб олиб келган.

Ўн тўрт ёшли Абу Райҳон Беруний ҳаётида ҳам буюк устоз Абу Наср ибн Ироқ катта мавқега эга. Олим устозидан математика, астрономия фанларидан чуқур билим олди. У шу ёшда наботот, жўғрофия, ҳикмат, тарих, тилшунослик, адабиёт, вазн илми, фалсафа ва бошқа илмларни ўрганди. Эҳтимол бу икки буюк ватандошимизнинг йўлларига уларнинг илк устозлари сабаб бўлгандир.

Фарзанднинг дунёга келиши, аввало, тангрининг шу оилага кўрсатган чексиз марҳаматидир. Айниқса, ўғил туғилиши оталарга ўзгача хурсандчилик ва кайфият бахш этган. Шарқда оилада ўғил боланинг бўлиши кўпроқ маънавий омил бўлган, унга авлод давомчиси деб қаралган. Ҳар бир оиладаги муҳитга ота-она ва фарзандлар ўртасидаги муносабатга қараб баҳо берилган. Бироқ унинг одоби, тарбияси ва таълими ҳамиша биринчи ўринга қўйилган. Юқорида икки алломанинг болалигини бекорга эслатганимиз йўқ. Ҳаётда ҳамма ҳам олиму фузало бўлиб туғилмайди. Ҳамма бир-биридан ўрганади. Ҳамма устозу шогирд. Халқимизда, айниқса кейинги вақтларда илмга нисбатан ҳурмат бир поғона ошди. Ҳозир институтларга кириш имтиҳонларидаги адолат туфайли болаларда фанларни ўзлаштиришга бўлган муносабат тубдан ўзгарди. Энди ота-оналар мактабдан ташқари яна муаллим ёллаб, пуллик курсларда фарзандларини ўқитмоқдалар. Буни мен ижобий силжиш деб биламан. Аксарият шундай таълим олган болаларнинг билими янада пухтароқ бўлмоқда.

Биз албатта давр билан ҳамнафас бўлишимиз керак. Хўш, ҳозирги пайтда ота ўз фарзандига нимани ўргатишга кўмаклашиши керак, деган ҳақли савол кўндаланг турибди. Назаримизда ота ўғил тарбиясига жуда ёшлигиданоқ эътибор бериши жоиз. Агар таълим-тарбия куртаклари бола қалбига ёшлигиданоқ сингимаса, у катта бўлганида ниш урмайди. Одобли, андишали, илмли бола, ким бўлишидан, қайси касбни эгаллашидан қатъи назар ҳақиқий инсон бўлиб қолади. Энг аввало одобни, андишани, бировнинг ҳақидан қўрқишни ота болага мерос қилиши бугунги куннинг вазифаси бўлиб қолмоқда.

Ҳозир ёш болаларда манфаатпарастлик кайфияти, яъни бекорга бировга яхшилик қилмаслик одати пайдо бўляпти. Тунов куни бир дўстимизни янги уйга кўчирдик. Уй бешинчи қаватда экан, юкларни ташишга ошна-оғайнилардан тўрт кишини ҳашарга айтди. Оғир юкларни бир амаллаб олиб чиқдик. Майда-чуйда юкларнинг эса ҳар бирига бир мартадан тушиб чиқиш керак эди. Шу орада 12—14 ёшли қўшни болалар мактабдан қайтаётиб бирортаси юклардан бирини олиб чиқиб беришни таклиф этмади. Ваҳоланки, улар олтинчи қаватда туришар, йўл-йўлакай олиб кетишса бўлар эди. Бу воқеа жуда жўн бўлсада, лекин кишини ўйлашга мажбур қилади. Кейин билсак, бу болаларнинг оталари ҳам худди шу одатни қайтариб, индамай, ҳатто салом-аликсиз ўтиб кетишар экан.

Шарқда қўни-қўшнилар салом-алик у ёқда турсин, ҳатто бир-бирларини томларини ҳашар қилиб сувашган. Демак, одамларга, қўни-қўшниларга меҳрли қилиб тарбиялаш отанинг вазифаси. Ота ўз фарзандининг маросимлар, турли тадбирларда иштирок этишини таъминласин. Болалардаги одамовилик ўрнига одамохунлик хислатларини намоён этишга ҳаракат қилмоқ керак. Бу борада Низомий шундай дейди:

Одамга аралаш бўлса гар одам,
Одамлар нчрадур мўътабар одам.

Ўғил ҳаётда тўкис яшашида ундаги муомала маданияти катта куч ҳисобланади. Бу масалада ҳам ота ўрнак бўлиши зарур. Ота ўз оила аъзоларига қандай муомала қилса, ўғил ҳам шуни ўзлаштириши тажрибада синалган.

Ўғил бола тарбиясида яна бир муҳим жиҳат — бу рўзғор қилишни ўргатишдир. Азалдан рўзғор ҳамиша эркакларнинг иши бўлиб келган. Афсуски, кейинги пайтда бозор-ўчар кўпинча хотин-қизларга қолмоқда. Ота ўз ўғлига бозор қилишни, у ердаги савдо муомалаларини мерос қилиб қолдириши шарт. Лекин айрим ота-оналаримиз ўғилларини уйлантириб, оилали қилиб кўйганларидан кейин ҳам ўзлари рўзғор қилиб беришади. Сарф-харажат, бозор-ўчарни билмайдиган йигитларимиз талайгина. Ёшликда, ўсмирликда бундай юмушларни қила билмагач вақти келиб тадбиркор ота бўлиши мумкинми, ахир?

Кўриниб турибдики, ота ўзидаги барча яхши хислатларни ўғлига ўтказиши, уни ватанимиз, халқимизга муносиб қилиб тарбиялаши одамийлик фарзидир.

Бахтиёр КАРИМОВ,
олий тонфали муаллим.

** Санъатнинг сеҳрли олами*

ИСТЕЪДОДЛИ ТЎРТОВЛОН

ТАБИАТНИНГ ёзилмаган қонунлари кўп. Бу қонунлар бир-бирига боғланиб кетган ва ҳамиша бирини иккинчиси тўлдириб туради. Кексаларнинг айтишларига қараганда дунё тўрт унсурдан, яъни тупроқ, ҳаво, сув ва оловдан бунёд бўлган экан. Бу айни ҳақиқат бўлса ажаб эмас. Балки шунинг учун ҳам оламнинг тузилиши ана шу тўрт мўъжизага асослангандир. Дунёнинг тўрт томони бор. Йил тўрт фаслдан иборат. Иморат тўрт бурчак шаклида қурилади. Тўрт қатор мисрадан шеър бунёдга келади ва ҳоказо.

Табиатда тасодиф ўз-ўзидан бўлмайди. Унинг замирида ўзаро боғланишлар бор. Дунёнинг тўрт бурчагида туғилган боланинг тили, дини, миллати бошқа бўлишига қарамай, табиати ўхшаш, руҳи бир-бирига яқин бўлиши мумкин. Бундайлар ҳаётда жуда кўп учрайди.

Саксонинчи йилларнинг бошида республикамиз санъатига ёш мусаввирлар авлоди келиб қўшилди. Уларнинг орасида Акмал Икромжонов, Муҳаммад Нуриддинов, Собир Раҳметов, Имяр Мансуров каби тўрт мусаввир алоҳида кўзга ташланиб туради. Бу ижодкорлар яратган асарлар гарчанд ҳис-туйғулар билан мухлисларни таажжубда қолдирмаса ҳам, лекин табиийлиги, ҳаётга самимияти, соддалиги билан одамларни ўзига ром этади.

Биз тилга олаётган мусаввирлар тасвирий санъат оламига бир вақтда кириб келган бўлсаларда дастлаб бир-бирларини билмас, танимас эдилар. Ҳар бири ўзга муҳитда табияланди. Ҳаётга ўз қарашлари бор. Акмалжон Тошкентда, Муҳаммаджон Наманганда, Имяр қўшни Қозоғистонда, Собиржон эса Чимкентда илк бор қўлларига мўйқалам олиб тасвирий санъатнинг мафтункор дунёсига ошно бўлган эдилар. Шундан бери ҳам қанча-қанча сувлар оқиб ўтди. Уларни санъатдаги умумийлик бирлаштириб, ўзига хос ижодий гуруҳни ташкил этди.

Бу тўрт мусаввир ижодини йилнинг тўрт фаслига қиёслаш мумкин. Яратилган асарлар зоҳиран бир-бирига ўхшамаса ҳам, аммо ботинан бир-бирини тўлдириб туради. Ўзига хос ижодий ёндошув нуқтаи назардан қараганда улардаги умумийлик яққол сезилади. Уларнинг руҳиятлари бир-бирларига яқин. Буни Акмал Икромжонов шундай таъкидлайди:

— Биз бир ижодий наслданмиз. Шунинг учун ҳам асарларимиздаги умумийликнинг бўлиши табиий. Дарвоқе, Санкт-Петербург тасвирий санъат институтидаги ўқиш, кейинчалик Тошкентдаги ижодий ҳамкорлик, нозик туйғулар бирлиги, санъатга бўлган муносабат, шунингдек ижод ва санъат йўлида бошдан кечирган машаққатлар, қийинчиликлар уларни бир-бирига яқинлаштирди. Бир-бирини қўллаб-қувватлаш, яхши-ёмон кунда шерик бўлиш, ўзаро фикрларнинг яқдиллиги бу яқинликни дўстлик ришталари билан мустаҳкамлади. Улар қалин дўст тутиндилар. Яратилажак ҳар бир асар олдидан бир-бирларининг фикрини билиш, маслаҳатларини эшитиш улар учун одатга айланди.

Машаққатли йўллар ортда қолиб, улар ҳам санъатда ўз йўллари, усулларини топдилар. Тез орада бу мусаввирларнинг асарлари рассомлар уюшмасининг бадиий кенгашида ижобий баҳоланиб, кўргазмаларга тавсия этилди. Кўргазма билан танишиш пайтида ҳар бир киши рассомларнинг маҳоратини беихтиёр тан олади. Гарчанд ижодий тажриба ўн йилдан ошмаган бўлсада, уларнинг асарларида ҳаётдаги турли мавзулар ёрқин аксини топган. Айниқса, Акмал Икромжоновнинг кишини чуқур мушоҳадага ундовчи «Нигоҳ», «Маржон», «Хосият» портретлари, Собир Раҳметовнинг «Зулмат ва Еруғлик», «Орол» триптихлари, «Кекса қирғиз чол» портрети, Муҳаммаджон Нуриддиновнинг «Наманган тонги», «Сукунат», Имяр Мансуровнинг «Катта Наврўз», «Қўшиқ», «Баҳор» сингари асарлари мухлислар дилидан кенг ўрин олган.

Уларнинг ижодларида миллийлик, ранг-баранг мавзуларга мурожаат қилиш устун туради. Ҳаётдаги у ёки бу воқеага муносабатнинг турли-туманлиги, дунёқараш, тасаввурнинг ёрқинлиги мусаввирларнинг ижодий йўли кенглигидан далолат беради. Уларнинг ижодига яратилган бир ёки икки асар орқали баҳо бериб бўлмайди. Ҳар бир янги асар рассом қиёфасини бойитади.

Мусаввирларнинг ижодлари гуллаб-яшнаб тез орада бутун Ўзбекистон кўргазмаларидан ўрин олди. Бу билан чекланмай қўшни республикалар ва хорижий давлатлар кўргазмаларида ҳам намойиш этилди, Англия, Франция, Америка, Мўғилистон, Германия, Ҳиндистон, Жанубий Африка Республикаси, Хитой каби мамлакатлар санъат шинавандалари ҳам уларнинг асарларидан баҳраманд бўлдилар.

Рассомлар ижодидаги ўзига хос асосий жиҳатлардан бири шундаки, асарларда рўй бераётган воқеаларга қатъий баҳо бермасдан, санъат мухлисларини атрофга чуқурроқ разм солишга, кенг мулоҳаза юритишга ундайди.

Бугунги кунда Акмал Икромжонов, Муҳаммаджон Нуриддинов, Собир Раҳметов, Имяр Мансуровлар ўзбек рассомчилик санъатини ривожлантиришга катта ҳисса қўшган, ўз ўринларини топган шаклланган етук мусаввирлардан ҳисобланади. Ҳозир уларнинг айни куч-қувватга тўлган, илҳомлари жўш урган пайт. Рассомлар ўз устларида ишлаб, янги-янги асарлар яратишмоқда.

Яқинда тўрт мусаввир Туркияга таклиф қилинди. Шу боис улар биргаликда Туркияда янги асарлар кўргазмасини ташкил қилишга қизғин тайёргарлик кўрмоқдалар.

Назира СОДИҚОВА.

* *Миллий безакларимиз*

Меросга айланган тақинчоқлар

ИНСОН ҳамиша гўзалликка интилиб яшайди. Ундан маънавий озуқа, яшаш учун куч, олам-олам завқ олади. Мен буни бир неча маротаба кузатганман.

Момомнинг қизиқ одатлари бор эди. Наврўз айёмида, ҳайит арафасида уй тўрида турган сандиқнинг устидаги кўрпаларни бирма-бир туширардилар. Сўнг сандиқни очиб, қизил бахмал матога ўралган буюмларни авайлаб олардилар. Биз бола эмасмизми, момомиз олган нарсаларни кўришга ошиқардик. Матога ўралган бу буюмлар у кишининг катта онасидан қолган тақинчоқлар эди. Унда тиллақош, зебигардон, иккита қашқари зирак, бир нечта узук ва бир жуфт билакузук бўларди. Момом аввалига бу буюмларни узоқ томоша қилиб, сўнгра уларни тақиб олардилар. Биз «Момом артистлар» деб хурсанд бўлиб чапак чалардик. Чунки бундай тақинчоқларни фақат артистлар тақардида. Момом чирманда ёки лаганни чалиб ашула айтардилар, биз эса роса ўйнардик. Бундай хурсандчилик бир-икки соат давом этарди. Кейин момом тақинчоқларини ечиб, қайтадан қизил матога ўрардилар сўнг сандиққа жойлаб қўярдилар.

Момомнинг вафотидан кейин ана шу тақинчоқлар мерос сифатида қизлари ва келинларига бўлиб берилди.

Ойим, холам узук, билакузук, зиракни тақдилар. Тиллақош, зебигардонни эса ўраб олиб қўядилар. Бу буюмлар қимматбаҳо эди. Уни бир неча маротаба қўлимга олиб томоша қилганман. Нафис нақшлари, турли хил тошлари жуда бежирим, чиройли ўрнатилган эди. Мен кейинчалик гўзаллик ҳамиша ва ҳамма замонда кишиларга завқ беришини англаб етдим. Шунинг учун ҳам у ҳар доим қадрланади.

Аёл нафосати ҳар қандай гўзалликлардан устундир. Унга кўпроқ табиийлик ярашади. Лекин баъзан табиий гўзалликка ҳам сайқал бериш керак. Шунда у янада нафисланади. Бунга зеби-зийнатлар орқали ҳам эришиш мумкин.

Манбаларга мурожаат қилсак, қадим замонлардан шарқ, хусусан турк аёллари ҳам ўзларини гўзал қилиб кўрсатиш мақсадида турли пардоз буюмлари, ўсма-ю хиналар, мушк-анбарлар, безаклар, нафис матолар, зеби-зийнатлардан фойдаланган эканлар. Тарихий, илмий асарларни кўздан кечирсак, жуда кўп миллий зийнат буюмларини номларини билиб оламиз. Масалан, Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғатит турк» асарида Купа (зикрак); сота (маржон), бут (қимматбаҳо ферузадан ясалган тақинчоқ), боз (мунчоқ) каби зийнат номларини учратиш мумкин, А. Навоий асарларида эса овиза (сирға), зарварак (тиллақош), зарҳалқа (олтин ҳалқа) деган номларда берилган. Бундан кўринадики, аёлларнинг зеб-зийнат буюмлари, қадимда ҳам кишилар эътиборидан четда қолмаган.

Миллий буюмларнинг ўзига хос хусусиятлари бор. Кўпинча улар муҳитни, миллий анъаналар инсон руҳиятини акс эттириш билан бирга халқ ўтмиш ҳамда заргарларнинг маҳоратини кўрсатиб турган. Бу зеб-зийнатларнинг ғарб мамлакатларидагидан фарқи шундаки, улар ўта нозик, бежирим бўлиши билан бирга нақшлар асосида ясалган. Шунингдек, уларда жуда кўп қимматбаҳо тошлар қўлланилган. Ҳатто турли вилоятлар, хонликларини зеб-зийнат буюмлари бир-бириникидан фарқ қилган. Масалан, Фарғона заргарлари феруза, ақиқ, ёқут тошларни майда ишлатган бўлса, Бухорода бу бошқача тарзда, яъни зийнатларга ана шу тошлардан катта-катта кўзлар қўйилган ҳамда тилласи, темири кўп бўлган. Тошкент заргарлари кўпроқ ҳашамдорликка эътибор берса, самарқандликлар шокилали буюмлар ясашга уста бўлганлар. Хуллас, ҳар бир ҳудудда ўзига хос заргарлик намуналари бўлганлиги, уларнинг кўплари ҳозиргача етиб келган. Аммо афсусланарли томони шундаки, аждодларимиздан бизгача етиб келган тиллақош, тиллабаргак, зирак, силсила, қушини, билакузук, узук, зебигардон ва бошқа кўпгина зеб-зийнатлар ичида зирак, билакузук ва узукни аёлларимиз ҳали ҳам тақишади. Қолганлари эса кўргазма сифатида музейларда ёки раққосаларнинг кийимларида сақланиб қолган, холос.

Маълумки, бизда зеб-зийнат тақиш фақат аёлларгагина хос бўлган. Тўйларда, турли тантанали маросимлардан ташқари пайтда ҳам қиз-жувонлар маржонлар, мунчоқлар тақиб юришган. Бу буюмлар фақат аёлларга хос эканлигини англатган. Ҳатто, ҳеч бўлмаганда оддий бўлсада тақилган биттагина узук, қўлни ҳар хил ифлосликлардан сақлаган.

Халқимизда турли маржонлар, мунчоқлар кенг расм бўлган. Эсимда, яқин-яқингача ҳам оналаримиз бўйниларига нозик деб аталмиш майда мунчоқдан шода-шодалаб тақиб юрардилар. Баъзан бу шодаларнинг сони 40-50 тагача етарди. Ҳозир бундай мунчоқлар умуман йўқолиб кетган.

Собиқ Иттифоқ даврида заргарлик буюмлари қимматбаҳо бойлик сифатида йиллар давомида талон-тарож қилиниши натижасида энг нодир тақинчоқлар бошқа юртларга ташиб кетилди. Улар ўрнига ғарб зеб-зийнатлари қисман кириб келди.

Оммавий европачалаштириш таъсири аёлларни миллий тақинчоқлар, зеби-зийнатларга бўлган қизиқишини бир оз бўлсада, сўндирди. Пардоз қилишда ўсмаю сурмалар қаторида, ёқут кўзли, бежирим нақшин тўғноғичлар ўрни, миллатимизга, руҳиятимизга мос келмаганлари билан алмашди. Кўчакўйда қора қурт, калтакесак, одам бош суягининг акси туширилган тўғноғич таққанларни кўп учратиш мумкин. Ёки марварид, феруза, ёқут, гранит, дур, нозикдан қилинган маржон шодалари ўрнини турли хил темир-терсаклар эгаллади. Нақшинкор билакузуклар ҳам совуқ махлуқлар тамғаси туширилган қўл халқалари билан алмашди. Тўғри, вақт ўтган сари муттасил ривожланиб боraётган жамиятда замонавий расм-русумлар, либослар ўзгариб туриши табиий. Лекин бизга ёт бўлган қўпол зеби-зийнатларнинг расм бўлиши, бироз кишига эриш туюлар экан.

...Момомга катта онасидан, бизга момомдан қолган тақинчоқларни ҳар гал узоқ томоша қиламан. Момоларимизнинг нафаси уфуриб турган бу тақинчоқларни негадир ҳайратга тушмай кузатиб бўлмайди. Ўзида боқий гўзаллик, нафис миллий санъатни акс эттирган заргарлик намуналари ҳамон-да аёлларимиз ҳуснига ҳусн, чиройига чирой қўшади.

Назира ҚУРБОН қизи.

* *Ҳар тўғрида*

Мана бу «уй ҳайвони» Гари ва Тереза Уарт оиласига яқиндагина келиб қўшилди. Кичкинтой Гипопотам туғилганидан уч кун ўтгач ота-онасиз қолган эди. Шунда уни тарбиялаш вазифасини янги «ота-она» ўз зиммасига олди. Уларнинг икки ўғли — Стефан ва Филипп Уарт ўз сингилларини боқишда ота-оналарига ёрдам беришмоқда.

Икки ойлик бегемотча ўзининг бўш вақтини ҳовли ёки боғда ўтказади. Ёши улғайганда эса уни шу оилага қарашли ҳудуддаги махсус сув ҳавзасига кўчиришни мўлжаллашмоқда.

СУРАТДА: ёқимли иштаҳа.

Гўдак ва шер боласи. Англиянинг Уорминстер шаҳри ҳайвонот боғи бошқарувчиси Коули оиласида икки гўдак: 3 ёшли Сюзан ҳамда онасиз қолган шер боласи тарбияланишмоқда. Уларнинг вақти доимо шундай чоғ ўтади.

РАТА—ТАСС суратлари.

* *«02» хабар беради*

ЖИНОЯТ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

1993 йилнинг 4—10 октябрь кунлари Тошкент шаҳрида ўтган йилнинг худди шу даврига нисбатан жиноятчилик ҳоллари 39 фоизга камайди, уларнинг излар босилмасдан очилиши эса 81 фоизни ташкил этди.

◎ 4 октябрь куни кундузи уч номаълум кимса Миробод туманидаги кўп қаватли уйлардан бирининг ёнида газ баллончаси орқали икки қизни ҳушсизлантирганлар. Сўнг уларнинг 140 минг сўм пули, сариқ металлдан тайёрланган зиракларини олиб «қўён» бўлишган. Миробод тумани ички ишлар бўлими ходимларининг ўз вақтида кўрган чора-тадбирлари натижасида талончилар қўлга олинди. Улардан олинган ашёвий далиллар мусодара этилди.

◎ 5 октябрь кундузи Қўйлиқ бозори ҳудудида бозордаги харид билан машғул кишига пичоқ орқали дўқ уриб унинг ёнидаги 10 минг сўм пулини олиб қўйишган. Миробод тумани тартиб посбонлари тез орада «зўравон талончи»нинг 1953 йилда туғилган шахс эканлигини аниқлашди ва уни қўлга олишди.

◎ 6 октябрь кундузи Фарғона узун йўлининг Қорасув бозори атрофида турган 3-такси саройига тегишли «ГАЗ—24» маркали автомашина ўғирлаб кетилганлиги тўғрисида ички ишлар идорасига хабар берилди. Миробод тумани милиция ходимларининг тадбиркорлиги туфайли машинани 1971 йилда туғилган, ҳеч қаерда ишламайдиган кимса гум қилганлиги аниқланди ва ўғри ушланди.

◎ Шу куни тунда Феруза даҳасида номаълум кимса пичоқ билан дўқ уриб бир фуқаронинг «ВАЗ—2103» маркали машинасини тортиб олган ва уловни ҳайдаб жуфтакни урган. Мирзо Улуғбек тумани ички ишлар бошқармаси ходимларининг ҳушёрликлари натижасида мазкур жиноятни амалга оширган 1962 йилда туғилган кимса қўлга олинди, машина техник носоз ҳолда эгасига қайтарилди.

◎ Шу ҳафтада босқинчилик жиноятлари айниқса авж олганлигини алоҳида таъкидлаш мумкин. Чунончи, 7 октябрга ўтар кечаси Шаҳристон ва Амир Темур кўчалари кесишган чорраҳада уч номаълум йигит тўппончага ўхшаш қурол билан «ВАЗ—2105» маркали автомашина соҳибини қўрқитиб, уловни тўхтатганлар ҳамда уларни Собир Раҳимов тумани саноат ҳудудига олиб бориши ҳақида буйруқ берганлар. Йўлда машина эгаси эшикдан сакраб тушиб қолиб, қароқчилар қўлидан қутулган. Бундан таҳликага тушган жиноятчилар машинадаги магнитофонни овоз кучайтиргичлари билан олиб, номаълум йўналишда ғойиб бўлишган. Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси милиция ходимларининг шу куни навбатчиликда бўлган Ҳусанов бошчилигидаги гуруҳи мазкур жиноятни амалга оширган илгари судланган, 1972 йилда туғилган пойтахтдаги касалхоналардан бирининг ходими ва унинг шериги — юқоридаги ҳамтовоғи билан бир касалхонада ишлайдиган, муқаддам судланган 1961 йилда туғилган йигитни қўлга олишди. Қароқчиларнинг учинчи шеригини ушлаш тадбирлари кўрилди.

◎ 7 октябрь куни Тошкент тўқимачилик комбинати ип-газлама ишлаб чиқариш бирлашмасининг чиқиш жойида қўриқлаш бошқармасининг 6-ротаси тартиб посбонлари томонидан ушбу корхонанинг 1967 йилда туғилган ишчиси 78 метрлик сатин матосини ўғирлаб чиқаётган пайтда ушланди.

◎ 8 октябрь куни «Эски жўва» бозори ҳудудида икки номаълум кимса атлас матосини сотиш баҳонасида фирибгарлик йўли билан Самарқанд шаҳри фуқаросининг 240 минг сўм пулини олиб атлас ўрнига эскитуски латталар ўрамини унинг қўлига тутқазиб, жуфтакни ростлашган. Шайхонтоҳур туман ички ишлар бошқармаси тартиб посбонларининг саъй-ҳаракати билан Андижон шаҳрининг фуқаролари бўлмиш юқоридаги икки фирибгар қўлга олинди.

◎ 9 октябрь кундузи 5-трамвайнинг Норхўжаев бекатида 1961 йилда туғилган муқаддам судланган фуқаро йўловчи аёлнинг чўнтагидан ичида 9.000 сўм пули бўлган ҳамёнини олиб қочишга уринган. Бироқ тез орада ашёвий далил билан пойтахт Ички ишлар бош бошқармаси қўриқлаш бўлими милиция ходимлари томонидан ушланган.

◎ 10 октябрь якшанба куни Тошкент отчопарининг кийим-кечак бозорида чайқовчиликда гумон билан 20 киши қўлга олинди ва 2.762.000 сўмлик маҳсулот ва қимматбаҳо буюмлар мусодара этилди.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасининг матбуот тўзбаси.

* *Фан оламига саёҳат*

ФИЗИКАДАН ДАСТЛАБКИ ҚЎЛЛАНМАЛАР

● ЯНГИ усулдаги мактаблар дастлаб Тошкентда ҳам очилган эди. Бу мактабларда, жумладан, физика фани Абдулла Шуносий дарслиги асосида ўқитилди. Унда механика, иссиқлик, электр, пар машиналарининг ишлаши йўл-йўриқлари каби маълумотлар берилганди.

● 1919 ЙИЛДА Қорий-Ниёзийнинг «Табиатдан парча» номли кичик рисоласи нашр этилди. Унда жисм агрегат ҳолатининг ўзгариш жараёни оддий — ҳаётий тажрибалар асосида тушунтирилган бўлиб, бу ўша даврда физика ўқитувчилари учун катта янгилик эди.

● ҚУҚОНЛИК физика ўқитувчиси Ҳасанхон Ниёзий 1140 та атамани ўз ичига олган рус-ўзбек физика луғатини яратди. Бироқ у 1932 йилдагина нашр этилди.

● 1923 ЙИЛДА ўлка нашриёти ўзбек ва туркман тилларида физика ва математикадан қўлланмалар, дарсликлар яратиш вазифасини қўйди. Ўша йили И. Троянскийнинг табиатшунослик дарслигининг икки қисми, 1927 йилда Косоногов ва Косоноговларнинг «Физикадан бошланғич суҳбатлар» қўлланмаси Ғ. Жалолов таржимасида нашр қилинди.

● АБДУЛЛА Шуносийнинг физика дарслиги китоби 1929 йилда иккинчи марта нашр қилиниб, бу китоб ўзбек мактабларида ўша даврнинг муҳим дарслиги бўлиб хизмат қилди.

Акбар АЛИЕВ.

* *Билиб қўйган яхши*

ФАҚАТ... ПИВО ҲАҚИДА

...МАНБАЛАРНИНГ тасдиқлашича, эрамиздан аввалги IV минг йиллик давридаёқ Месопотамия аҳолиси пиво истеъмол қилган.

...БИРИНЧИ бор пивони чет элга экспорт қилган одам британиялик Томас Бекетдир. У 1158 йили Францияга кетаётиб совға тариқасида бир неча идишга пиво тўлдириб олган экан. Қарангки, французлар унга юксак баҳо бериб, «Бу ичимлик жуда фойдали, рангли ва мазаси жиҳатидан вино билан беллашишга қодир», деган эканлар.

...ЗАМОНАВИЙ британияликлар кунига 29 миллион пинт (пинт-0,57 метр) пиво истеъмол қиладилар.

...1985 ЙИЛГАЧА Испанияда пиво сотиш тақиқланган эди.

...АЙТИШЛАРИЧА, дунёдаги энг ўткир пиво Англиянинг Шеффилд шаҳрида жойлашган «Тўтиқуш ва қурбақа» пивохонасида сотилармиш. Мижозларга биринчи қадаҳчадан сўнг огоҳлантириш қоғози — оқ, иккинчи қадаҳчадан сўнг — сариқ, учинчисидан сўнг «майдондан чиқариб юборувчи» қизил карточка ҳам берилади.

...1983 ЙИЛИ япон фирмаларидан бири олма ва лимон шарбати аралаштирилган «қуюқ» пиво кашф этди. У тўғри тўртбурчакли шиша идишда сотилади.

...БУЮК Британияда 20—24 ёшли пиво ишқибозлари ўртасида сўров ўтказилди. Уларнинг ҳар олтинчиси пиво қанчалар хуштаъм бўлмасин, соғлиққа унчалар ҳам фойда келтиравермаслигини, қолаверса, оила бюджетига қақшатқич зарба беришини ҳисобга олиб ичишни ташлаганини эътироф этган.

«Обсервер» (Англия).

* *Хоҳ ишонинг, хоҳ...*

САЙЁҲГА... 10 ЙИЛ

ҚОҲИРАнинг суди Исроил фуқаросини 10 йилга ҳукм қилди. У Мисрга сохта доллар олиб кириш ва тарқатишда айбланади. Сир эмас, ҳозир катта казино, дўконларда, пойтахтдаги йирик меҳмонхоналарда тез-тез қалбаки пуллар пайдо бўляпти. Шундай иш билан шуғулланиган сайёҳ техника ёрдамида аниқланди. У Исроил фуқароси бўлиб чиқди.

Маҳаллий матбуот деярли ҳар ҳафтада исроиллик сайёҳлар Миср қонунларини бузаётганлиги ҳақида хабар бериб турибди. Булар асосан контрабандачиларнинг мамлакатга қалбаки пул, қора дори, қурол ва ўқ-дори олиб кириши билан боғлиқ. Мисрга эса, расмий маълумотларга қараганда ҳар йили 100.000 Исроил фуқароси сайёҳ сифатида келар экан.

Нима ҳам деймиз, ўзига инсоф берсин!

ГВИНЕЙЧАСИГА КОРРИДА

МИРШАБЛАР асосан жамоат тартибини сақлаш билан шуғулланадилар. Гвинеядаги Дабола деган рисоладаги шаҳарда эса миршаблар ҳатто зўраки коррида — ҳўкиз жанги билан шуғулланишларига ҳам тўғри келмоқда. Сабаби бу шаҳарнинг кўчалари, хиёбонлари худди сут-товар фермасини эслатади. Сўзимизнинг исботи тарзида эслатиб ўтамиз: миршабхона томонидан ўтказилган махсус операцияда 300 дан ошиқ дайди сигир ва буқачалар ушланди.

Сигирлар, бузоқлар кўчаларда бемалол юраверишар эдию, лекин шаҳар зиёлилари ҳукуматга арзнома устига арзнома ёза беришди. Сабаби тўрт оёқли дайдилар ҳаммаёқни дабдала қилиб ташлашган эди-да.

Бир-икки марта жиддий тўқнашувлар ҳам рўй берди. Шаҳарнинг бир даҳасида оч қолган буқа ям-яшил майсаларни кўриб жон-жаҳди билан ўшанга ташланди. Йўлида учраган ўйнаб юрган учта бир-икки ёшли болани ҳам унинг кўзлари кўрмай қолди: бечора болакайлар қурбон бўлишига сал қолди. Дайдиб юрган икки-уч буқа эса қизил иштон кийган икки спортчининг орқасидан қувишга тушди. Спортчиларнинг фақат биттасигина амаллаб, шунда ҳам қизил иштонини ечиб ташлаб, қутулиб қолди. Иккинчиси эса оғир аҳволда шифохонага келтирилди.

Дайди буқачалар бизнинг қассобларни кўрганда дарров жой-жойига кириб кетарди. Бу ҳазил эмас, чин гап.

СУВ КИМНИНГ ТЕГИРМОНИГА ҚУЙИЛАДИ?

КЕЙИНГИ йилларда кўпгина кашфиётларнинг аниқ ватанлари аниқланмоқда. Бир сўз билан айтганда «тарих ўз хатоларини» тўғрилаяпти. Шу нуқтан назардан қараганда Германиянинг Рейн дарёси соҳилидаги кичкинагина Гимсхайли қишлоғида ер остидан кавлаб олинган беш-олтита эгилган тахтача ҳақиқий шов-шувга сабаб бўлди. Майнц шаҳридаги тарих музейи олимларининг аниқлашича топилманинг ёши 1200 йилдан ошиқдир. Сақланиб қолган тахтачалар сув тегирмонининг қолдиқлари бўлиб, қадим римликлар унда буғдой янчиб, ун тайёрлашган. Бундай қурилмалар эрамизнинг биринчи асри ўрталарида кашф этилган ва римлик легионерлар томонидан шимол томонга ҳарбий юришларда жуда ҳам кенг қўлланилган. Тегирмон айланасини ишлатиш учун эса сув кучидан фойдаланишган.

Бу топилма олимларга «хайрли ташвиш» туғдирди. Улар қадим римликларнинг техникаси Марказий Оврупога кириб келиши вақтини кўриб чиқишга, ҳақиқатни аниқлашга мажбур бўлдилар. Шунгача тегирмонсифат қурилмалар ҳозирги Германия ҳудудида бир неча аср илгари пайдо бўлган деб ҳисобланар эди.

Шарқимизда ҳикмат жуда кўплигига жаҳон халқлари кўп бора амин бўлганлар. Ажаб эмас, ҳали яна тарихий ажойиботлар топилса!

ЗАҲАР ҚУРҚИНЧЛИ ЭМАС

ГАВАЙ дорилфунуни олимлари балиқдан заҳарланишга қарши оддий, самарадор восита топдилар. Текширилган бир нечта жабр қўрганларга маннитолдан укол қилдилар. Ушбу дори қанд аралашмасидан тайёрланган, қон босими ниҳоятда баланд бўлган беморларга қўлланиб келинади. Олимларнинг бу кашфиёти катта аҳамиятга эга. Балиқнинг 400 хилида инсон ҳаёти учун хавфли бўлган токсинлар сероб. Энди гавайликлар бемалол қўрқмасдан балиқ еса бўлаверади. Фақат ҳадеб маннитола истеъмол қилавериб қон босими ортиб кетмаса бўлгани.

Тоҳир МАҲКАМОВ.

ТИЖОРАТ ЖАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ТОШКЕНТ
«ВОДОКАНАЛ» ТРЕСТИ
15 НОЯБРГАЧА
АБОНЕНТЛАРГА СУВ ҚУВУРИ-КАНАЛИЗАЦИЯ ХЎЖАЛИКЛАРИНИ
1993—1994 ЙИЛЛАР ҚИШ МАВСУМИДА ФОЙДАЛАНИШГА ТАЙЁРЛАБ ҚЎЙИШНИ
ТАВСИЯ ЭТАДИ

БУНИНГ УЧУН ҚУЙИДАГИЛАРНИ БАЖАРИШ ЛОЗИМ:

Сув қувури ва канализацияни ҳар эҳтимолга қарши таъмирлаш;
вақтинча мавсумий сув тақсимлагичларни ёпиб қўйиш;
очиқ ётган сув қувурлари, сув сарфини ҳисобга олувчи узеллар ва сув тақсимлагичларни иситиб қўйиш.
Қиш шароитида фойдаланишга тайёрланмаган сув қувури-канализация хўжаликлари қўшимча огоҳлантиришсиз шаҳар сув тармоғидан узиб қўйилади.

БИР ЙЎЛА СУВ ҲАҚИНИ ЎЗ ВАҚТИДА ТЎЛАШ ЛОЗИМЛИГИНИ ЭСЛАТАМИЗ.



ҲОВЛИ СУВ ҚУВУРЛАРИНИ ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРЛАШ:

Ҳовли сув қувурларининг тик қувурларини қиш мавсумига тайёрлаётганда қувурнинг ташқи сатҳи — тик қувур ва иситувчи материал оралиғида 40—60 миллиметр бўшлиқ қолиши лозим.
Майдаланган сомон, қуруқ қипиқ, қуриган ўт ва бошқа иссиқлик ўтказмайдиган материаллар ўраш материали бўлиб хизмат қилиши мумкин.
Иситиш материалининг қалинлиги камида 30—35 сантиметр бўлиши керак.
Сув тик қувурини ўраш учун металл тўрлар, қоп, қалин қоғоз ва бошқалар қўлланилади.
Водопровод тик қувури ўралганидан сўнг у ёғоч билан ўраб чиқилади ва бўш қолган ораликка қипиқ тўлдирилади.
Кўпинча вентилнинг сальниги ишдан чиқиб, сув иссиқликни сақловчи материалга оқиб кетади. Шунинг учун вентилнинг тагида тунука ёки шифер бўлиши, уни ёғоч қопламадан ташқарига чиқариб, бирмунча нишаблик бўлан ўрнатиш лозим. Ғилофнинг усти очилиб, ёпиладиган қопқоқ билан ёпилиб, вентиль маховиги учун туйнук қолдирилади.

«Ўзбектуризм» миллий компанияси
«ЧОРСУ» ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ САЙЁҲЛИК ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАЖМУИ
ЭРОН, ПОКИСТОН, ҲИНДИСТОН, СУРИЯ, БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИКЛАРИ, МАЛАЙЗИЯ, САУДИЯ АРАБИСТОНИ, ТУРКИЯ, ПОЛЬША, ГЕРМАНИЯ, ГОЛЛАНДИЯ, АҚШ ва бошқа мамлакатларда — хоҳиш бўйича
БИЗНЕС МАКТАБЛАРИДА
ЎҚИШ УЧУН ТАКЛИФ ҚИЛАДИ
ТАШКИЛОТЛАР ВА КОРХОНАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
Сизлар учун Самарқанд, Бухоро, Хива, Туркистон, Қўқон ва Ўзбекистоннинг бошқа шаҳарларига ҳамда МДҲ мамлакатларига;
Чимён, Чорвоқ, Тошкент денгизига жамоалар учун сафарлар уюштиради.
Хизмат ҳақи нақд пул билан ва пул ўтказиш йўли билан тўланади.
Мурожаат учун манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Чорсу майдони, 1-уй. «Чорсу» меҳмонхонаси, 2-қават, сайёҳлар хонаси.
Телефонлар: 42-80-46, 42-76-27.

ЙУЛОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!
Абдулла Қаҳҳор кўчаси бўйлаб канализация тармоқлари ётқизилиши муносабати билан
135-АВТОБУС ЙЎНАЛИШИ ҲАРАКАТИ 18 ОКТЯБРДАН 25 ОКТЯБРГАЧА БОБУР КЎЧАСИ БЎЙЛАБ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ.
«ТОШКЕНТШАҲАРИЙЛОВЧИТРАНС» ДАВЛАТ УЮШМАСИ.

ХУСУСИЙ ЭЪЛОНЛАР
Чилонзор туманидаги 4 хонали квартира (ғиштли уйнинг биринчи қавати) ва 5 хонали квартирани (ғиштли уйнинг 2-қавати) Акмал Икромов ёки Шайхонтоҳур туманларидаги планли уйга алмаштираман.
Хизмат телефони: 78-56-28, Сарвар.

41-ўрта мактаб томонидан Фозилжон Эгамбердиевич Раҳимов номига берилган Б серияси 573865 сонли йўқолган 8-синфни битирганлиги тўғрисидаги гувоҳнома бекор қилинади.

Шайхонтоҳур алоқа тармоғи жамоаси 98-алоқа бўлими бошлиғи Исмоил Усмонович УСМОНОВнинг бевақт вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.



МУАССИСЛАР: Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва «Тошкент оқшоми» журналистларининг жамоаси

Тошкент оқшоми

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот комитетида рўйхатга олинган. Рўйхат сони — 000101.

Шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун ўзбек тилида чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 33-29-70; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича 32-81-42, 32-55-34, 33-56-67.

Эълонлар ва тижорат хабарлари аниқ ва тўғрилиги учун жавобгарлик уларни берган ташкилот ва шахслар зиммасидадир.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Ҳажми — 2 босма табоқ. Офсет. Қоғоз бичими А—2 Нашр кўрсаткичи 64690.

■ Босмага бериш вақти 11.30 ■ Босмага берилди 11.30. Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

Буюртма Г—586. 17.229 нусхада.